## ПЕНСИОНЕРЛАР ҲАҚИГА ХИЁНАТ

...8-алоқа бўлими хабарчиси И.Қосимов пенсионерларнинг номидан қалбаки имзолар чекиб, пулларни ўз эҳтиёжига сарфлайверган. Шу тариқа 485 минг 133 сўмни талон-тарож қилиб ўзлаштирган.

2 бет

## ТАСДИҚЛАНМАГАН ШИКОЯТЛАР

...арз қилишдан мақсад, аввало йўл қўйилаётган ва содир бўлаётган камчиликларни бартараф қилиш ёки унинг олдини олишдир. Аммо ариза ўзгалар исми ортига яшириниб, ғаразли мақсадда ёзилган бўлса...

3 бет

## ҚУТУРГАН ЧЎТАЛЧИЛАР

Бир неча сонияда Шукурнинг гавдаси олов ичида қолди. Зўравонлар устидаги олов билан олишиб, уни ўчиришга уринаётган Шукурни бамайлихотир, ҳатто калака қилган ҳолда томоша қилиб тураверишди...

10 бет

## «ОЛТИН УЧБУРЧАК» СОҲИБИНИНГ ИНҚИРОЗИ

Яқин-яқингача Мьянма давлати армиясининг вертолётлари мамлакатнинг Гомонг вилояти яқинига ҳам йўламас, сабаби, «Олтин учбурчак»ка тегишли бу ҳудудлар Осиёнинг энг йирик наркобарони Хун Сага тегишли эди

12 бет

Mustaqillik huquq demakdir

# Huquq

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2007-yil 15-noyabr, № 46 (567)

Таҳлил

# ҚОНУНИЙЛИК ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти бошлиғи Ниғматилла ЙЎЛДОШЕВ билан суҳбат**

***— Ниғматилла Тўлқинович, Департамент органлари томонидан давлат солиқ сиёсатини амалга ошириш, солиқ ва валютага оид жиноятлар, коррупция, яширин иқтисодиётга қарши курашиш борасида ўтган 9 ойлик даврда олиб борилган ишлар таҳлили ҳақида тўхталиб ўтсангиз?***

— Департамент органлари зиммасига юклатилган устувор вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш борасида муайян ишларни амалга оширмоқда.

Ўтказилган тадбирлар натижасида ҳисобот даврида 3447 та жиноят ва 2014 та маъмурий ҳуқуқбузарликлар фош этилди. Саъйи ҳаракатлар самараси ўлароқ Департамент фаолиятида биринчи марта бюджетга жами 123 млрд. сўм қўшимча маблағлар ҳисобланиб, бу кўрсаткич16,5 фоизга ортишига эришилди. Эътиборлиси, тадбирлар аниқ мақсадга йўналтирилиб, бевосита яширилган солиқ ва мажбурий тўловларни аниқлаш орқали бюджетга қўшимча маблағлар ҳисоблаш ишлари кескин кучайтирилди. Натижада, бюджетга ҳисобланган жами маблағларнинг асосий қисмини солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ташкил этди. Ўтган йилнинг 9 ойида бюджетга ҳисобланган маблағларнинг 66,6 млрд. сўми молиявий жарималардан иборат бўлган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 3,2 бараварга камайтирилиб, қўшимча ҳисобланган маблағнинг 22,3 млрд. сўмини ташкил этди.

Бюджетга ундирилган маблағ эса 54,4 млрд. сўмни ташкил этиб, 42 фоизга кўпайишига муваффақ бўлинди. Ноқонуний айланмадаги 8,5 млрд. сўмлик товарлар олиб қўйилиб, бу кўрсаткич 76,4 фоизга ортишига эришилди.

Жумладан, «Файр Бизнес» МЧЖ таъсисчилари З.Ширяева ва И.Исмоиловалар импорт қилинган товарлар нархини сунъий равишда камайтириш йўли билан 497,8 млн. сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қасддан бўйин товлаганликлари фош этилди.

Барча устувор фаолият йўналишлари бўйича самарали тизимли таҳлил йўлга қўйилди, жиноятларни бевосита тезкор-таҳлилий йўллар билан фош этиш орқали солиқ базасини кенгайтириш ишлари кучайтирилди. Асосий эътибор солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бўйин товлашнинг мумкин бўлган янги канал ва механизмларини фош этишга қаратилди.

Тадбирларда аниқланишича, айрим тадбиркорлик субъектлари солиқ ставкалари бўйича имтиёзларни ноқонуний қўллашиб, улардан солиқларни тўлашдан бўйин товлашнинг механизми сифатида фойдаланиб келишган. Жумладан, Ургут туманидаги бориш қийин ва тоғлик ҳудуд ҳисобланувчи Қоратепа қишлоғида фаолият кўрсатиш учун рўйхатдан ўтган «Қоратепа-Камангарон Булови» МЧЖ ҳақиқатда Самарқанд шаҳрида савдо билан шуғулланиб келган. Бироқ бу ташкилот 383,9 млн. сўмлик товар айланмасидан ягона солиқ тўлови бўйича 5 фоизли ставкада 19,1 млн. сўм солиқ тўлаши лозим бўлса-да, 1 фоизли ставкани ноқонуний қўллаш йўли билан 15,3 млн. сўмлик солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Шу каби қонунбузилишларнинг олдини олиш юзасидан тегишли қонунчилик ҳужжатларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилиб, Бош прокуратурага тақдим этилди.

Умуман, киритилган таклифлар асосида, амалдаги 3 та норматив ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилиб, аниқланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бўйин товлашнинг янги канал ва механизмларининг туб илдизларига барҳам берилишига эришилди.

Бу эса Департаментнинг устувор вазифаси бўлган солиқ базасининг кенгайтирилишига кескин ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

***— Бюджет маблағларини мақсадли сарфланиши бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳам қисқача тўхталсангиз.***

— Департамент органлари бу йўналишда ҳам мунтазам тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, Қувасой шаҳар ҳокимининг бош ҳисобчиси F.Шонбоев туман молия бўлими раҳбарлари билан тил бириктириб, ҳокимлик ходимлари ва ишчи-хизматчиларининг иш ҳақларини ортиқча кўрсатиб, лимитдан ошиб кетган харажатлар учун қўшимча талабномалар расмийлаштириш йўли билан иккиламчи бухгалтерия ҳужжатларини юритиб, 31,1 млн. сўм бюджет маблағларини ўзлаштирганлиги аниқланди.

**(Давоми 4-бетда).**

Жиноят ва жазо

# СОХТА ТАДБИРКОРЛИК

## ёхуд «СУНДУС» қўшма корхонасидаги қинғирликлар

Мустақил тараққиёт йўлини танлаб олган мамлакатимиз бозор муносабатларига асосланган эркин фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат қуриш сари дадил бормоқда. Бозор муносабатлари, аввало, тадбиркорлик ва ишбилармонликка таянгани боис соҳага оид ҳуқуқий база шакллантирилиб, муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, амалга татбиқ этилмоқда. Бунда, хориж инвесторлари, тадбиркор ва ишбилармонларини жалб этиш, қўшма корхоналар ташкил этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Жамиятда ташаббускорлик, ишбилармонлик муҳити шаклланиб улгурди. Иқтисодиётимизда хусусий секторнинг улуши йил сайин ортиб бормоқда. Аммо шундай бир шароитда ҳам ўз ғараз манфаатларини жамият ва давлат манфаатларидан устун қўйиб, қонунларни четлаб ўтишга ҳаракат қилаётган «тадбиркор»ларнинг борлиги ачинарлидир.

Бундан анча йиллар аввал, аниқроғи 1995 йилда сутни қайта ишлашга мўлжалланган, низом жамғармаси 11 минг АҚШ доллари бўлган «Сундус» ўзбек-турк қўшма корхонаси ташкил этилган. Юртимизда бундай корхонанинг ташкил топишидан кўпчиликнинг хурсанд бўлгани аниқ. Ахир оз-эмас, кўп эмас, кунига беш тонна сут қайта ишланади, шунга яраша қанча одам иш билан банд бўлади. Аммо бундай бўлиб чиқмади. Корхона раҳбари Мехмет Зеки Обуз амалда умуман бошқа ишлар билан шуғулланишга киришиб кетади.

Туркия фуқароси М. Обуз «Сундус»даги раҳбарлик фаолиятини аввалбошданоқ ғирром ўйин билан бошлаган экан. Яъни у қўшма корхонага келтирилган нархи 282 минг 223 АҚШ доллари бўлган сутни қайта ишлаш жиҳозларини 331 минг АҚШ доллари қийматида расмийлаштирган. Шундан кейин «Сундус» атрофидаги қонунбузарлар директор раҳнамолигида (корхона менежери Абдусамад Наимов, директор муовини Байрам Шахин, омбор мудири Акмал Турдиевлар) хориждан келтирилган маҳсулотларни қалбаки ҳужжатлар ёрдамида нақд пулга сотиш билан шуғуллана бошлайдилар. Аммо Мехмед Обуз кўпни кўрган Шавкат Муртазинни ўзига бош ҳисобчи қилиб олгач, бундай «майда ишлар» билан шуғулланишга қаноат қилмай қолади. Ш.Муртазин корхона даромадларини яширишнинг сир-асрорларини пухта эгаллаган ҳисобчилардан эканлиги унга жуда қўл келади.

Маълумки; миллий қонунчилигимизда республикамизда фаолият юритаётган хориж инвесторларининг ҳуқуқлари кафолатланиб, уларга муайян имтиёзлар белгиланган.

М.Обуз ва Ш.Муртазинлар корхона томонидан импорт қилинаётган маҳсулотлар учун тўланиши керак бўлган божхона ва акциз тўловларини тўламаслик учун ҳар гал ана шу имтиёзни важ қилишар эди.

Бунинг учун улар Тошкент шаҳар Хўжалик судига корхонанинг чет эл инвестори ҳисобланиши ҳақидаги сохта ҳужжатларни тақдим этишади. Шу йўл билан 2007 йилгача бундай имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги ҳақида суднинг ноқонуний қарорлари чиқарилишига эришганлар ҳам.

Жиноий гуруҳ қўшма корхона лойиҳасида кўрсатилган ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ўрнига, божхона расмийлаштируви жараёнидаги имтиёзлардан қонунсиз фойдаланиб келган. Бу ҳам етмагандай, моддий манфаатдорлик эвазига бошқа тадбиркорлик субъектларига ҳам «холис» хизмат кўрсатиш йўлига ўтишган. Яъни уларга тегишли импорт товарларни ҳам «Сундус» қўшма корхонаси номига расмийлаштириш орқали уларни бож тўловларидан озод қилиш билан шуғулланиб келишган. Албатта, М. Обуз бу хизматни шунчаки ҳавас учун қилмаган.

Мисол учун, у хусусий тадбиркор Л.Аҳроров ва бошқа тадбиркорлардан «Сундус» номига тузилган шартномалар бўйича республикамизга олиб кирилган уч вагон кафел, сантехника товарларининг хар бир вагони учун 15 миллион сўмдан нақд пул олган. Шу тариқа қўшма корхона жами 34,4 млрд. сўмлик импорт товарлари учун 19,3 млрд. сўмлик акциз, қўшилган қиймат солиғи ва божхона тўловларини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келишган.

Шунингдек, қўшма корхона директори М.Обуз бош ҳисобчи Ш.Муртазин ва жиноий гуруҳнинг бошқа аъзолари иштирокида республикамизга ноқонуний олиб келинган товарларнинг 12,4 млрд. сўмлик қисмини нақд пулга сотиб юборган. Савдодан тушган пуллар банк муассасаларига топширилмай, қонунсиз тарзда чет эл валютасига алмаштирилган ва ноқонуний йўллар билан республикадан олиб чиқиб кетилган. Мана шу жараённинг ўзида ҳам жиноий гуруҳ 1 млрд. 24 млн. сўмлик солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўламасдан, давлат манфаатларига жуда кўп миқдорда зарар етказишган.

Булар билан ҳам қаноатланмаган жиноий гуруҳ энди бошқа йўналишларда омадини синаб кўришга бел боғлайди.

Маълумки, мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий йўналишларидан бири ўқув муассасаларини замонавий воситалар билан жиҳозлашдан иборат. Шу маънода, ўрта махсус ва касб ҳунар таълими Маркази томонидан коллежлар учун тикув машиналари харид қилишга оид теҳдер эълон қилинади. Бундан хабар топган «Сундус» атрофидаги жиноий гуруҳнинг ҳаловати бузилади. Улар ноқонуний даромад топиш учун янги жиноий режалар ишлаб чиқиб, шу мақсадда рақобатчиларидан анча арзон нархни таклиф этиш орқали тендерда ғолиб чиқадилар ҳамда 40 комплектдан иборат тикув машиналари ва ёрдамчи ускуналарни етказиб бериш ҳақидаги импорт шартномалари тузилишига эришадилар. Жиноий режага кўра, мазкур шартномаларга асосан ҳақиқий нархи 630 млн. сўм бўлган тикув машиналари ва ускуналарни 865 млн. сўмга етказиб бериб, давлатнинг 235 млн. сўмлик маблағини талон-тарож қиладилар.

Ҳар қандай жиноий қилмиш, у ким томонидан содир этилган бўлмасин, албатта фош этилади. Айбдорлар қилмишига яраша жазосини олади. Бу адолат қонуни. Табиийки, «Сундус» қўшма корхонаси раҳбарлари томонидан содир этилган қаллобликлар ҳам дастлабки терговдавомида аниқланди.

Республика Бош прокуратураси томонидан «Сундус» қўшма корхонаси масъул раҳбарлари Мехмед Обуз ва Шавкат Муртазинларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди. Мазкур корхонага имтиёз беришга оид ноқонуний қарорларга протест киритилиб, бекор қилиниши таъминланди. Тергов давомида етказилган зарарнинг 1 млрд. 355 млн. сўми нақд пулда, 10,8 млрд. сўми мол-мулк шаклида айбдорлардан ундирилди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг ҳукми билан сохта тадбиркорлар — Мехмед Зеки Обуз ва Шавкат Муртазинлар қилмишларига яраша жазо олдилар.

**Жамшид ФАЙЗИЕВ,**
**Республика Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи**

**Ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастурига мувофиқ равишда шаҳримизда кенг кўламли тадбирлар ўтказилмоқда. Амалдаги қонунлар, Президент фармонлари доирасида бюджет маблағлари, ҳомийларнинг беминнат ёрдамлари эвазига кам таъминланган, кўп болали оилалар, якка-ёлғиз қариялар, мурувват уйлари, мактаб-интернатларда вояга етаётган болалар, ногиронларнинг яшаш, таълим-тарбия шароитлари яхшиланяпти. Пенсия ва нафақаларнинг узлуксиз тўлаб борилиши таъминланмоқда.**

# Пенсионерлар ҳақига хиёнат

Фарғона шаҳар прокуратураси ижтимоий ҳимояга оид қонун ва қонуности ҳужжатлари, ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастури ижросини таҳлил қилиб бормоқда. Ушбу жараёнда ибратли ишлар билан бирга жиддий қонунбузилиш ҳолатлари ҳам аниқланди. Айрим нопок шахслар ота-оналари тенги кекса пенсионерларнинг ҳақига тап тортмай кўз олайтиришган. Хусусан, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акционерлик жамияти Фарғона филиалининг 8-алоқа бўлими хабарчиси И.Қосимов пенсионерларнинг пулларини тарқатмаган. Уларнинг номидан қалбаки имзолар чекиб, пулларини ўз эҳтиёжига сарфлайверган. Шу тариқа 485 минг 133 сўм пенсия пулларини талон-тарож қилиб ўзлаштирган.

Ушбу бўлимнинг собиқ бошлиғи И.Қосимова қўл остидаги ходимларнинг қилмишларига кўз юмибгина қолмай, ўзи ҳам жиноятга қўл урган. 5-ҳудуд хабарчиси Г.Қораев билан жиноий тил бириктириб, пенсионерларга тарқатилиши лозим бўлган пулни тарқатмасдан, имзоларини қалбакилаштириш йўли билан 848 минг 960 сўмни жиғилдонидан ўтказиб юборган.

Муҳтож кексаларнинг ҳақига хиёнат қилганларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди. Ушбу ҳолат «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг Фарғона филиалидаги носоғлом муҳитдан далолат беради. Филиал бошлиқлари кадрларни танлаш, уларнинг фаолиятини назорат қилиб боришга панжа орасидан қарамаганларида ушбу жиноятлар содир этилмасди. Талабчанликнинг сусайиши, масъулиятсизлик юқоридаги каби жиноий қилмишларни келтириб чиқаради. Идорада ушбу ҳолатларни олдини олиш борасида тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Юқоридаги ҳолатлар шаҳримизда ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастури асосида қилинган ва қилинаётган кенг кўламли ишларга соя сола олмайди. Бу жараёнда халқимизга хос меҳр-оқибат янада сайқал топмоқда.

**Одил ИБРАГИМОВ,**
**Фарғона шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси**

# Дастур ижроси қай аҳволда?

Ижтимоий ҳимоя йилининг мақсади кўмакка муҳтожларни қўллаб-қувватлашдан иборатлиги кўпчиликка аён. Беш қўл баравар бўлмагани каби ҳаётда қайси бир аъзосининг нуқсони туфайли кўнгли ўксик, меҳр ва мурувватга муҳтожлар бор. Уларнинг ногиронлиги ҳисобга олиниб, қонун асосида алоҳида имтиёзлар белгиланган. Андижон вилоят прокуратураси органлари томонидан «Ижтимоий ҳимоя йили» давлат Дастурининг ижроси доимий назоратта олиниб, мазкур йўналишда муайян ишлар ўрганиб келинмоқда.

Андижон вилоятида пенсионерлар 278 минг 430 нафарни, шундан ёшга доир пенсионерлар 178 минг 520 нафарни, ногиронлар 57 минг 380 нафарни, боқувчисини йўқотганлар 20 минг 693 нафарни ва ижтимоий нафақа олувчилар 21 минг 837 нафарни ташкил этади. 2007 йилнинг 9 ойи давомида пенсия ва ижтимоий нафақалар учун бюджет ҳисобидан 100 млрд. 882 млн. сўм молиялаштирилиб, тарқатиб келинган.

Пенсионерлар учун ҳисобланган пенсия тўловлари ўз вақтида тўланаётганлиги ўрганилганда эса баъзи кимсалар томонидан бу мақсадлар учун ажратилган бюджет маблағлари ўзлаштириб келинганлиги аниқланди.

Жумладан, Қўрғонтепа туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда «Халқ банки»нинг туман бўлими бош ҳисобчиси ўринбосари У.Абдуллаева пенсия таъминотига кирим қилиниши лозим бўлган 27 млн. сўмни ўзлаштириб, талон-тарож қилганлиги маълум бўлди.

Пахтаобод тумани почта алоқа тармоғининг «Қўшмайдон» бўлими хабарчиси Р.Муҳаммаджонов эса мансаб ваколатини суиистеъмол қилган ҳолда 35 нафар нафақахўрга тарқатилиши лозим бўлган 1 млн. 97 минг сўм нафақа пулини тарқатмасдан, тўлов қайдномаларига ўзи имзо қўйиб, ушбу маблағни ўз манфаати йўлида ишлатган.

Айрим ҳолларда пенсионерлардан коммунал хизматлар учун ушлаб қолинган пул маблағлари масъул шахслар томонидан ўзлаштириб юборилган.

Хўжаобод туман ижтимоий таъминот бўлими мансабдор шахслари эса 12 та ҳолатда нафақахўрларга 2 млн. 212 минг сўм нафақа пулларини ҳужжатларни сохталаштириш йўли билан қўшиб ёзган ҳолда ўзлаштириб келганлар.

Шаҳрихон тумани электр тармоқлари корхонасининг собиқ назоратчиси С.Нишонов, «Бўстон» алоқа бўлими бошлиғи А.Тошбеков, хабарчи М.Маматовлар ўзаро жиноий тил бириктириб, 10 нафар фуқародан электр энергиясидан бўлган қарздорлиги учун йиғилган 2 млн. 994,5 минг сўмни ўмарганлар.

Юқорида қайд этилган барча ҳолатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, улардан зарарлар тўлиқ ундирилди.

Вилоятда жами 78 минг 311 нафар ногирон рўйхатга олинган бўлиб, ўтган даврда 4447 нафар фуқарога бирламчи ногиронлик нафақалари тайинланган. Ногиронлик нафақасига чиққанлардан 3223 нафари меҳнат фаолиятини давом эттирмоқда.

Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси томонидан 283 та корхона ва ташкилотлардаги 5659 та квоталанган бўш иш ўринларидан 203 таси ногиронлар учун ажратилган. Шунга қарамай, Марҳамат, Балиқчи туманлари ва Хонобод шаҳри меҳнат бўлимларида бу ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Ногиронлардан 387 нафари ўзгалар парваришига муҳтож, якка-ёлғизлар ва кексаларни ташкил этади. Уларни 9 хил турдаги асосий озиқ-овқат билан таъминлаш мақсадида давлат бюджетидан 39 млн. 900 минг сўм маблағ ажратилиб, ушбу турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб келинган.

Вилоятдаги тиббий-ижтимоий муассасалар, «Саховат» ва «Мурувват» уйларига жами 1 млрд. 474 млн. сўм бюджет маблағлари ажратилган. Бу маблағлар тўлиқ молиялаштирилганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 27 майдаги «Ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз пенсионерларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан қўшимча чора-талбирлар тўғрисида»ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, улар диспансер кўригидан ўтказилиб, 145 нафари яшаш уйларида, 71 нафари шифохоналарда ва 16 нафари дам олиш сиҳатгоҳларига юборилиб саломатликлари тикланган. Уларнинг 578 нафарига жами 13 млн. сўмлик имтиёзли дори-дармонлар етказиб берилиб, 26 нафарига тиш протези, 185 нафари кўзойнак, 3 нафари эшитиш мосламаси, 47 нафари ҳасса ва қўлтиқтаёқлар билан таъминланган.

Халқимизда «савоб ишни ҳар кун қилиши керак, савоб ишни ҳар ким қилиши керак» деган нақл бор. Бинобарин, ижтимоий ҳимояга муҳтожларга кўмак беришдек вазифани бажаришда биз мана шу нақлни ўзимизга дастуриламал қилиб олишимиз зарур.

**Зокиржон ИСМОИЛОВ,**
**Андижон вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи**





*Беруний туманида вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг таълим-тарбиясига катта эътибор бериб келинмоқда. Хусусан, яқинда ҳомийлар ҳисобидан қайта таъмирланиб, болажонлар ихтиёрига топширилган 18-сонли болалар боғчаси ана шундай эътиборнинг бир кўринишидир. Бу хайрли ишларда, шубҳасиз, туман прокуратурасининг ҳиссаси катта бўлди.*

**Суратда:** туман прокурори М.Айманов бир гуруҳ боғча тарбиячилари билан; боғчанинг умумий кўриниши.

**«Фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар».**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 50-модда

# Табиатга таҳдид қилманг

Табиатга, атроф-муҳитга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш инсониятнинг азалий қадриятларидан саналади. Ана шу қадрият унутилган вақтларда эса табиат ва атроф-муҳит билан боғлиқ муаммолар пайдо бўлади. Глобал миқёсда экологик муаммолар таҳдид сола бошлаган бугунги кунда ана шу ҳақиқатнинг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Мамлакатимизда ҳам атроф-муҳит муҳофазаси, экологик тангликнинг олдини олиш борасида кенг қамровли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Табиатни муҳофаза қилишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асослари аввало, Конституциямизда ўз аксини топган. Унинг 50, 54, 55, ва 100-моддаларида фуқароларнинг бу соҳадаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари, атроф-муҳитга муносабат ва соҳа бошқаруви тизимининг бўғинлари фаолияти белгилаб қўйилган. Шунингдек, табиат муҳофазасига тааллуқли ўнга яқин қонунлар қабул қилинган.

Мазкур қонун ҳужжатлари талабларининг ижро этилиши ҳамда экологик ҳолатни соғломлаштиришга қаратилган ҳукумат қарорларининг бажарилишини таъминлаш юзасидан Учтепа туман прокуратураси томонидан ҳам Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари жалб қилинган ҳолда текширишлар ўтказиб келинмоқда. Текширишларда юртдошларимиз ҳам бу борадаги ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушуниб етмаётганлиги маълум бўлиб қолмоқда.

Биргина мисол: Чилонзор туманининг 24-мавзесига қарашли уйлар атрофида ўсиб турган чинорлар, ясен, терак каби кўп йиллик дарахтлар ноқонуний равишда кесиб ташланган. Текшириш жараёнида бу жиноят «Дилкушо» ХУЖМШ раҳбари С.Алимуҳамедов томонидан содир этилгани маълум бўлди. Бу қилмиши билан С.Алимуҳамедов давлат ва жамият манфаатларига тўрт ярим миллион сўмдан ошиқроқ зарар етказган. Унга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, судга юборилди ва жазо муқаррарлиги таъминланди.

Эҳтимол, глобал экологик муаммолар олдида олти туп дарахтнинг кесилиши кимгадир арзимас ҳолатдек туюлиши мумкин. Аммо дуч келган киши ноқонуний равишда олти тупдан дарахт кесаверса ва бунинг учун ҳеч қандай жавобгарликни ҳис этмаса эртага нима бўлади? Кесилиб, пуллаб юборилган ўша дарахтлар ўрнига экиладиган кўчатнинг ўсиб-униши учун яна неча йиллар керак бўлади?

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қонун ва табиат олдидаги бурчни ҳис этмаслик келажак олдидаги масъулиятни ҳис этмаслик билан баробардир.

**Забиҳулла ЗИЯДУЛЛАЕВ,**
**Учтепа туман прокурорининг катта ёрдамчиси**

# ИККИ «ДЎСТ»НИНГ ҚИЛМИШИ

Инсонга ҳаёт бир марта берилади. Уни қандай яшаб ўтиш одамнинг ўзига боғлиқ. Баъзида ножўя биргина қадам ҳам инсоннинг обрўсини бир пул қилиши мумкин. «Қаҳрамон»ларимиз Жўра Абдусатторов ва Шерали Ҳайиталиев ҳам ҳаётда шундай кўйга тушдилар. Улар Қумқўрғонда ўз обрўсига эга инсонлардан эди. Энди эса...

Ж.Абдусатторов «Ғаллабанк»нинг Қумқўрғон туман филиали бошқарувчи вазифасини бажарувчи лавозимига ўтиргач, яна эски одатини қўмсаб қолди. У банкнинг бош ҳисобчиси Шерали Ҳайиталиев билан гапни бир жойга қўйиб, пинҳоний йўллар билан пул топмоқчи бўлди. Нима қилибди дерсиз? Шу йилнинг 24 мартидан 9 июнига қадар банкнинг мижози бўлган «Ғишт» кўптармоқли корхонанинг ҳисоб рақамига тушган 128 млн. 405 минг сўм маблағни туман ДСИ томонидан қўйилган инкасса тўлов топшириқларини бажармасдан «керак»ли ташкилотларга тақсимлаб юборишган. Аслида бу маблағ бюджет ва бюджетдан ташқари қарздорликларни қоплаш учун тақсимланиши лозим эди. Ишнинг хамирдан қил суғургандек битганидан хурсанд бўлган икки «дўст» навбатдаги «операция»ни амалга оширди. Тумандаги «Қумқўрғон-Ирқурилиш» МЧЖ ва «Шерободсувқурилиш» тресті ОТАЖ ташкилотларига нисбатан ҳам ана шундай иш қилди. Албатта, бу ишлар қуруқ илтимосга қилинмаганлиги тайин.

Банк бошқарувчисининг қўлида Республика Адлия вазирлигининг 1999 йил 30 январда рўйхатга олинган «Хўжалик юритувчи субъектлар ҳисоб рақамларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида»ги йўриқнома бўлса-да, у ҳужжатга зид ишни амалга оширди. Судда банк бошқарувчиси ва бош ҳисобчи амалга оширган «операциялари» учун бир сўм ҳам манфаат кўрмаганлигини айтишди. Лекин, уларнинг бу чўпчакларига суддагилар ишонишмади. Чунки далиллар ўжар бўлади. Икки «дўст»га қилмишига яраша қонуний жазо тайинланди.

Ажабланарлиси, Жўра Абдусатторов илгари ҳам Узун туманида банк бошқарувчиси вазифасида ишлаб, қонунбузарликка йўл қўйганлиги учун Жиноят ишлари бўйича Сариосиё туман суди томонидан судланган ва қилмишига яраша жазосини олган эди. Бироқ, у ўзига хулоса чиқармади.

Баъзи банк раҳбарлари бюджет ва бюджетдан ташқари қарздорлик учун тақсимланиши лозим бўлган маблағларни юқоридагидек қонунга зид равишда бошқа жойларга тақсимлаб юбормоқда. Бюджет маблағларига ҳеч кимнинг хиёнат қилишга ҳақи йўқ.

**Рўзибой ТИЛАВОВ,**
**Қумқўрғон туман прокурори**

Qayerdan:

# Xatlar va jamoatchilik bilan aloqalar sahifasi

Qayerga: Тошкент шаҳри, академик Яҳё Ғуломов кўчаси, 66. «Ниқиқ» газетаси таҳририятига, 700047

*Миннатдорчилик хати*

## Ҳақиқат ҳамиша ғолиб

**2005 йил 16 ноябрда Шўрчи туман ҳокимининг №466 сонли қарорига асосан Далварзин ширкат хўжалиги фермер хўжаликларига айлантирилди. Ва шу боис ўтказилган тендер танловининг 1 ва 7 лойиҳасида мен, ўғлим Х.Аллаёров ҳамда Р.Йўлдошев, М.Жумаевлар ариза бериб қатнашдик. Тендерда А.Йўлдошев топширган қалбаки ҳужжатлари билан ғолиб бўлди. Шўрчи туман ҳокимининг 9 февраль 2006 йил №111 сонли қарорига биноан А.Йўлдошевга 41,6 га. ер ноқонуний берилди. Бу тўғрида қуйидан юқори ташкилотларгача босқичма-босқич исбот ва далиллар асосида шикоят билан мурожаат қилдим... Аризам Сурхондарё вилоят хўжалик судида беш марта кўрилиб, рад қилинди.**

**Ниҳоят, Сурхондарё вилоят прокурорининг 2006 йил 27 июлдаги протестидан сўнг ишимиз Республика Олий Хўжалик судининг кассация судлов ҳайъатига юборилди. Судда ишимиз икки маротаба кўрилди. Шу орада фуқаро А.Йўлдошевга берилган дипломнинг қалбакилиги тендер раислари эътиборидан четда қолганлиги тўғрисида Республика Бош прокуратурасига маълум қилдик. Шундан сўнг олиб борилган текширув ишлари натижасида Абдурасул Йўлдошевнинг тендерга тақдим этган мутахассислик дипломи, қишлоқ хўжалиги техникаларининг паспорти ва тракторларнинг ҳужжатлари сохта эканлиги маълум бўлди. Аниқланган далиллар юзасидан Сурхондарё вилояти Шўрчи туман ИИБ томонидан А.Йўлдошевга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Судда у айбига тўла иқрор бўлиб, қилган ишидан пушаймонлигини айтди. Одил суд ўз ҳукмини эълон қилиб, Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноий жазо тайинлади. Республика Олий хўжалик судининг кассация инстанциясида иш қайта кўрилиб, қарор қабул қилинди. Қарорда Сурхондарё вилоят хўжалик судининг 2007 йил 23 февраль ва 2007 йил 16 майдаги ҳал қилув қарорлари ўзгартирилиши, шунингдек, Шўрчи туман ҳокимининг 2006 йил 9 февралдаги 111-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топишни рад этиш ҳақидаги қисми бекор қилиниши айтилди. Шу жумладан, «Абдурасул» фермер хўжалигидан «Эгарчи» фермер хўжалигига 218 минг 500 сўм давлат божи ва бошқа харажатлар ундирилиши ҳақида суд қарор қилди. Адолат қарор топди ва бунда бизни тинглаган ва ёрдам берган мутасадди шахсларга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз. Республика Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Сурхондарё вилоят ва Асака шаҳар прокуратураси, Сурхондарё вилояти Шўрчи туман ИИБ ходимлари ва яқиндан ёрдам берган ўз касбига муносиб инсонларни Оллоҳ паноҳида асрасин деймиз.**

**Мен адолат қарор топиши учун 21 ойга яқин ёки 625 кун идорама-идора қатнадим. Ва шунга амин бўлдимки, адолат ҳамиша қарор топар экан.**

**Туроб АЛЛАЁРОВ,**
**Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани**



*Хазон — куртакнинг энг сўнгги табассумидир.*

## Тасдиқланмаган шикоятлар

Бежизга мавзуни тасдиқланмаган шикоятлар, деб атамадик. Жорий йил давомида таҳририят 598 та хат олган бўлса, шулардан 298 таси май ойидан буён келган хатлардир. Уларнинг 104 тасини ариза ва шикоятлар ташкил этади. Аризалар юзасидан олиб борилган текширишлар натижаси ўларoқ, уларнинг аксариятида келтирилган важлар ўз тасдиғини топмагани маълум бўлди. Жумладан, шу йилнинг май ойида таҳририят Хоразм вилояти Шовот туманидаги 38-мактаб ўқитувчилари ҳамда Сапаров Марат номидан шикоятнома олди. Унда мактаб директори ўзининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари билан жамоа норозилигига сабаб бўлаётгани баён қилинган эди. Шикоятда келтирилган важлар қанчалик асосли эканлигини аниқлаштириш мақсадида хат Хоразм вилоят халқ таълими бошқармасига юборилди. Берилган жавобга кўра, «...исм-фамилияси кўрсатилган М.Сапаров мактабнинг 2007 йил 2 апрелдаги, 9-сонли буйруғи асосида ўз аризасига асосан оилавий шароити тўғри келмаганлиги сабабли, ўз ҳисобидан таътилга чиқарилган. Унинг турмуш ўртоғи Қодирова Мўътабарнинг таъкидлашича, аризагўй бугунги кунда Хоразм вилояти ҳудудида яшамаяпти.

(Ҳужжатлар илова қилинади)

Шунингдек, мактабда таътилга чиқмаган 33 нафар ўқитувчиларнинг ҳам тушунтириш хатлари олинди. Бу ўқитувчилар шикоят аризасини ёзмаганлиги ва унга алоқалари йўқлигини билдирдилар.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда М.Сапаровнинг таҳририятга ёзган шикоят хатини аноним деб ҳисоблаб, назоратдан чиқаришингизни сўрайман».

Вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан берилган жавоб асослантирилган. Шикоят аноним тарзда ёзилган.

Аризада исм-шарифи келтирилган М.Сапаров ишлаш учун бошқа жойга кетганлиги маълум бўлгани ҳолда мактабдаги вазият, унинг раҳбари устидан ҳеч ким четдан туриб ариза ёзмаса керак. Ваҳоланки, аризада тўққиз нафар ўқитувчи ва ишчи номи келтирилган бўлиб, «...балким бошқа ўқитувчилар билан ҳам алоҳида суҳбатлашилса, маълумот берганлар исми сир сақланилса, биз каби улар ҳам ҳақиқатни айтадилар» дейилган. М.Сапаровнинг жамоа учун танишлиги ва унинг вақтинча мактабда ишламаслиги анонимчилар учун қўл келган ва унинг номидан хат йўлланган. Чиқмаган жондан умид қабилида иш тутилиб, олти бетлик ариза ёзилган.

Жумладан, унда келтирилган важлар қаторига мактабнинг бугунги молиявий аҳволининг ночорлиги, ўқувчилар сонининг кўплиги ҳақида ҳам шикоят қилинган эди. Хоразм вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Қ.Тожиевнинг жавобига асосан, 38-сон умумтаълим мактаби 1974 йилда қурилгани, унинг лойиҳавий қуввати 624 нафар ўқувчига мўлжаллanганлиги маълум бўлди. Шунингдек, бугунги кунда мактабда 1125 нафар ўқувчига 2 сменада жами 105 нафар ўқитувчи таълим-тарбия бериб келишмоқда. Мактаб «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий Дастури»га киритилмаган.

Худди шу мазмундаги яна бир шикоят хати Беруний туман ХТБга қарашли 36-мактабнинг бир гуруҳ ўқитувчилари номидан ёзилган бўлиб, унда мактабда талон-тарож авж олгани, мактабга тегишли бўлган жиҳозларнинг шахсий манфаат йўлида сотиб юборилгани баён қилинган эди. (2007 йил 17 июль)

Аммо аризачи ҳар доим ҳам ҳақ ва холис бўлавермаслиги қуйида берилган жавобдан ҳам кўриниб турибди:

«...Текширишда 36-сонли мактабнинг 2006 йил 27 февраль кунги ўқитувчилар ва техник ходимларнинг иштирокида ўтказилган мажлис баённомасига асосан, аризада кўрсатилган 350 минг сўмга сотилди деб ёзилган тахта, пол Беруний тумани «Шиммом» овул фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи фуқаро Ж.Уразимбетовага 160 минг сўмга сотилган. 40 минг сўм мактаб ген планини тузишга, 74 минг 500 сўм мактабни жорий таъмирлашга, 45 минг 500 сўм дераза ойналарини олишга сарфланганлиги аниқланди.

Бундан ташқари, мактабнинг реконструкция қилиниши муносабати билан қурилиш материалларининг яроқли ва яроқсизлиги бўйича 6 кишидан иборат комиссия тузилиб, яроқли қурилиш материалларининг асосий қисми пудратчи ташкилот «Беруний Агроқурилиш» МЧЖга 2007 йил 15 январда 9-сонли ишонч қоғози бўйича юк хати орқали чиқим қилинган. 20-болалар боғчасига юк хати орқали 3 та эшик, 11-мактабга 4 дона синф доскаси ва «Шиммом» овул фуқаролар йиғини маъмурияти томонидан Беруний туман ҳокими номига ёзилган ариза бўйича ойна рамаси, шифер, эшиклар «Шиммом» ОФИ ҳудудидаги «Хўжа жабр» қабристонини таъмирлаш учун ишлатилган. Мактабнинг рус тили ўқитувчиси Ф.Жумагелдиеванинг дипломсиз дарс бераётгани важи тасдиқланмай, унинг Урганч Давлат педагогика университетининг сиртқи бўлими рус тили факультетининг 3 курсида таҳсил олаётганлиги аниқланди.

Аризадаги қолган важларнинг ҳам тасдиқланмаганлиги ҳамда мактаб ўқитувчилари Т.Абишева ва И.Еспулаевларнинг аризага имзо қўймаганлиги аниқланди. Ариза муаллифлари келтирган важларини тасдиқлаб беролмаганлиги сабабли уларга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 40-моддаси билан маъмурий иш қўзғатилди,» — дейди Беруний туман прокурори М.Айманов.

Қўлга қалам олиб, арз қилишдан мақсад, аввало, йўл қўйилаётган ва содир бўлаётган камчиликларни бартараф қилиш ёки унинг олдини олишдир. Аммо ариза ўзгалар исми ортига яшириниб, ғаразли мақсадда ёзилган бўлса ёки важ асослантириб берилмаса натижа юқоридагидек якун топади.

Навоий вилояти Хатирчи туманидаги Ойбек номли 18-ўрта мактабнинг бир гуруҳ ўқитувчилари ҳам юқоридаги шикоятчилар хилидан чиқди.

Ушбу аризани ёзган 9 нафар ўқитувчилар ҳам текшириш давомида шикоят хатидан бехабар эканликлари ва имзолари қалбаки эканлигини айтишган. Хатирчи туман халқ таълими бўлими мудири М.Ҳайдаровнинг маълум қилишича, мактаб касаба уюшмаси раиси бўлиб ишлаб келаётган Сулаймон Исаев ўз аризасига асосан вазифасидан озод этилган. (аризада С.Исаевнинг мутахассис эмаслиги ҳам таъкидланган эди!) У ўрта-махсус маълумотга эга бўлиб, 2007 йилда олий ўқув юртларидаги махсус таълимга ўқишга кира олмаса ўқитувчиликдан озод этилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилган. Шунингдек, қолган важлар ўз тасдиғини топмаганлиги маълум қилинган.

(Аризага жавоб берилмагани сабабли сентябрь ойининг 10 кунида туман халқ таълими бўлими билан боғланиб, жавобни факс орқали олишга эришдик).

**Маъмура ДУСИЯРОВА,**
**бўлим муҳаррири**

## Нега энди иш ҳақимиздан..?

Навбатдаги аризани Денов туманидаги Юрчи касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш устаси Меҳмонов Имомали ёзади. У ўз аризасида эрталаб 6. 00 дан 7. 30 гача, кечқурун 20.00 дан 23.00 гача электр-энергияси узатилиши натижасида коллеждаги айрим компьютер, чилангарлик устахонасидаги дарсларнинг қолиб кетаётгани ҳақида баён қилади. Шунингдек, ҳар ойлик иш ҳақидан электр-энергияси учун пул ушлаб қолинаётганини арз қилган. Денов туман ҳокими А.Ҳожиқуловнинг жавобига кўра, коллежда электр-энергиясининг вақти-вақти билан бўлмаслиги сабаби ўрганиб чиқилган. Коллеж трансформатори маҳалла аҳолиси тармоғига уланган ва ушбу ҳудудда истиқомат қилувчи аҳолининг электр-энергиясидан катта миқдордаги қарзи мавжудлиги сабабли электр таъминотида чеклашлар бўлиб келган. Кейинги пайтда узлуксиз электр-энергиясига ўтиш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Бундан ташқари, аризачи айтганидек, тўлов учун иш ҳақидан ушлаб қолиш ҳолати Юрчи қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ўқитувчи ва муҳандислари умумий йиғилишида кўриб чиқилганлиги ва ўз розиликлари тўғрисидаги имзолари билан кучга киритилганлиги таъкидланади.

Қарши туманидан Қудрат Эшонқулов ҳам электр энергияси учун ошиқча ҳақ олинаётганлигидан норози бўлиб таҳририятга ариза йўллаган. Унда айтилишича, апрел-май ойлари электр токи учун ошиғи билан тўловни амалга оширгани ҳолда аёлидан ҳам худди шу ойлар учун яна 12 минг сўм пул ушлаб қолинган. Аризада нима сабабдан бир оилада икки кишидан энергия ҳақи ушлаб қолинаётганининг сабабини тушунтириб бериш сўралган. Қашқадарё вилоят прокуратурасининг таҳририятга юборган жавобига кўра, Қарши туман Қоратепа қишлоғида яшовчи Қ.Эшонқулов билан туман электр тармоқлари корхонаси ва «Қаршитумангаз» филиали ўртасида электр ва газ таъминоти бўйича шартномалар тузилган. Мазкур шартномаларга кўра 2007 йилнинг 5 ойида Қ.Эшонқулов хонадонига 12 минг 400 сўмлик электр-энергияси ва 26 минг 526 сўмлик газ етказиб берилган. Қ.Эшонқулов бу етказилган электр учун 12 минг 400 сўм, газ учун 21 минг 915 сўм тўлаган.

Тўловлар аризачининг туман алоқа бўлимига нафақа пулидан ушлаб қолиш тўғрисидаги аризасига асосан амалга оширилган. Шунингдек, Қ.Эшонқуловнинг хонадони учун коммунал тўловлар унинг турмуш ўртоғи С.Бўриеванинг иш ҳақидан Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 15 майда 1031-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Ташкилотлар ва муассасалар томонидан ўз ходимларидан коммунал хизматлар учун ҳақни иш ҳақидан ушлаб қолиш кўринишида қабул қилиш тартиби тўғрисида»ги Низом талабларидан келиб чиққан ҳолда ушланганлиги аниқланган.

Кўриб турганингиздек, баъзан ариза ёзишда ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни тўла тушунмаслигимиз ҳам сабаб бўлиб қолади. Беруний туманидан фуқаро А.Матибаев, Сариосиё туманидан Н.Сулаймонов, «Меҳнатни нормалаш ва муҳофаза қилиш маркази» ходимлари юборган аризаларда келтирилган важлар ҳам юқоридаги каби тасдиқланмаганини айтиш жоиз.

Қувонарлиси шуки, қанча ариза ёки саволлар бўлмасин, уларга батафсил жавоб беришда ва тушунтириш ишлари олиб боришда ташкилотларимиз, айниқса жойлардаги прокуратура органлари ходимларининг хизматлари катта бўлмоқда. Баъзан юқоридагидек ариза ва уларга берилган жавобларни саҳифада эълон қилишимизнинг сабаби бу каби муаммолар ва тушунмовчиликларнинг биргина фуқарога тегишли эмаслигидадир.

# ҚОНУНИЙЛИК ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шунингдек, Самарқанд вилоят ҳокимлигининг капитал қурилиш-инжиниринг компанияси ходими Х.Мирзаев, Оқдарё туман ҳокимининг ўринбосари Ш.Нарзиев, «Сувоқава» ИЧК раҳбари Б.Турсунов ва бошқалар Оқдарё туманидаги маҳаллаларда ер ости сув қудуқлари таъмирланиб, насос ўрнатилди деган сохта ҳужжатларни расмийлаштириб, 7,5 млн. сўмлик бюджет маблағларини ўзлаштирганликлари фош этилди.

***— Валюта операциялари бўйича ҳисоботларнинг тўлиқлигини назорат қилиш, хорижий валютанинг ноқонуний айланмаси ҳамда валюта айирбошлаш билан боғлиқ ва бошқа қонунбузилишларни бартараф этишга йўналтирилган тадбирларнинг натижалари ҳақида нималар дея оласиз?***

— Долзарб мавзуда сўз очдингиз. Далиллар ҳақида тўхталадиган бўлсам, бу борада 499 та ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, бу турдаги жиноятларнинг фош этилиши 7,5 фоизга ортди. Натижада 355,1 млн. АҚШ доллари, 26 млн. Россия рубли ва бошқа чет эл валюталарининг ноқонуний айланмаси аниқланиб, дебитор қарздорликнинг камайишига эришилди.

Ноқонуний муомалада бўлган 451,5 минг АҚШ доллари, 389,1 минг Россия рубли, 216,5 млн. ўзбек сўми, 2 млн. Қозоғистон тенгеси, 74,5 минг Қирғизистон соми олиб қўйилди.

Жумладан, Косон туманида фаолият кўрсатган хусусий тадбиркор Ш.Арзиқулов 36,6 минг АҚШ долларини 45,1 млн. сўмга «қора бозор»да сотиб олиб, четдан автомашиналар олиб келиб сотиш билан шуғулланиб келганлиги аниқланди.

Шайхонтоҳур туманида эса фуқаролар З.Юсупов ва А.Раҳимовлар 3 минг АҚШ долларини ноқонуний равишда фуқаро Н.Сайдалиевга 3,8 млн. сўмга сотаётганида ушланиб, улардан жами 16 минг АҚШ доллари олинди.

Миробод туманида фуқаро З. Закиров 6,2 минг АҚШ долларини ноқонуний равишда харидор Ш. Камиловга 8 млн. сўмга сотаёттанида ушланди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Чет эл валютасида ҳисоб-китобни ноқонуний амалга оширган ҳуқуқбузарлардан 474,4 минг АҚШ долларилик ва 267 млн. сўмлик товарлар олиб қўйилди. Жумладан, Ҳамза туманида хусусий тадбиркор Х.Адилов 2,2 минг дона «МТС» экспресс тўлов карточкаларини ноқонуний равишда фуқаро У.Улашовга 8,8 минг АҚШ долларига сотганлиги аниқланди. Юнусобод туманида фаолият кўрсатган хусусий тадбиркор Л.Абдуразаков эса 8,5 млн. сўмлик сантехника жиҳозларини харидор Х.Ўтаназаровга 6,7 минг АҚШ долларига сотаётганида ушланди.

Шунингдек, олтин ва қимматбаҳо буюмларнинг ноқонуний муомаласига барҳам беришга қаратилган тадбирларда 657,2 гр. олтин кукунлари, 40 гр. олтин қуймаси, 2 дона 32,1 гр. қадимги танга, 1 дона 5 рубллик олтин танга, 1938 дона олмос (бриллиант) тошлар олиб қўйилди.

Қалбаки пул муомаласига қарши курашиш борасидаги тадбирларда 2,4 минг АҚШ долларидаги чет эл валютаси, 40 дона 1000 сўмлик қалбаки купюралар олинди. Жумладан, Жиззах вилоятида хусусий тадбиркор Н.Холжигитов бульдозерни ижарага олиб, «Меҳнат» инженер техник маркази раҳбари Н.Масловга олдиндан тўлов сифатида қалбаки 2,3 минг АҚШ долларини ижара ҳақи сифатида тўлаганлиги аниқланди.

***— «Қора бозор»да ноқонуний муомалада бўлган чет эл валютасининг асосий манбаларидан бири банк муассасалари ходимлари эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Тўғрими?***

— Фикрингизга қўшиламан. Далиллар ҳақида тўхталадиган бўлсам, «Пахтабанк»да 49,4 минг, «Туронбанк»да 35,9 минг, «Ипотекабанк»да 31 минг, «Халқ банки»да 12 минг, «Микрокредитбанк»да 6,6 минг, «Савдогарбанк»да 4 минг, «Миллий банк»да 1,5 минг, жами бўлиб 140,5 минг АҚШ доллари банк ходимлари томонидан ноқонуний сотилганлиги аниқланди.

Жумладан, «Халқ банки»нинг Яккасарой туман филиали мутахассислари Ф.Кувватов ва Н.Узақовалар фуқаро З.Сидиқовга 10 минг АҚШ долларини ноқонуний равишда 12,9 млн. сўмга сотаётганда ушланди.

***— Хуфёна иқтисодиёт, яширин ишлаб чиқаришга барҳам бериш борасидаги натижалар тўғрисида қисқача тўхталиб ўтсангиз?***

— Тезкор тадбирларда 484 та ишлаб чиқариш фаолиятига барҳам берилиб, бу кўрсаткич 13,8 фоизга ортди.

Ҳуқуқбузарлардан 340 млн. сўмлик ёки 85 фоиз кўп маҳсулот, хомашё ускуналар далилий ашё сифатида олинди. Тадбирларда яширин цехларни хомашё, қалбаки акциз маркалари билан таъминлаш манбаларини излаб топишга алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, Чилонзор туманида яшовчи фуқаро К.Турғунованинг уйида ўтказилган тинтувда 70 минг дона қалбаки акциз маркалари, компьютер, арoқ қопқоқлари, арoқ ёпадиган мосламалар олиб қўйилди.

***— Коррупциянинг ижтимоий хавфли кўринишларидан бири — порахўрликдир. Жамиятнинг бу иллатига қарши курашиш борасида нималар дея оласиз?***

— Бу иллатга қарши дунёнинг ҳамма давлатида кескин курашиб келинади. Исломда ҳам бу иллат оғир гуноҳ ҳисобланади.

Ходимларимиз томонидан олиб борилган тадбирлар натижасида 21 нафар мансабдорларнинг пора олганликлари фош этилди. Порахўрлик жиноятларининг деярли ҳар тўртинчиси банк, қолганлари солиқ, газ таъминоти ва бошқа соҳаларда содир этилган.

Чунончи, «Ҳамкорбанк»нинг Янгийўл филиали менежери ва кредит комиссияси аъзоси И.Рихсибоев фуқаро О.Холмирзаевга 14 млн. сўм уй-жой кредити ажратишга ёрдам бериш эвазига 500 минг сўмни пора тариқасида олганида ушланди.

***— Маҳаллий ҳокимият идораларининг айрим мансабдор шахслари томонидан ўз вазифаларини суиистеъмол қилиниши баъзи учар тадбиркорларнинг ноқонуний фаолият кўрсатишига шароит яратиб бераётгани ҳақида ОАВларда бот-бот чиқишлар қилинмоқда.***

— Бугунги кундаги энг оғриқли муаммо ҳақида сўз очдингиз. Коррупцияга қарши курашиш бўйича тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказган, «сохта» тадбиркорларга ҳомийлик қилган 166 нафар банк, 21 нафар маҳаллий ҳокимият, 11 нафар солиқ ходимларига нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди. Жумладан, Бўз туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Саидов қалбаки ҳужжатлар асосида «Усмонова Зиёдахон Баракаси» ХФга улгуржи савдо қилиш ҳуқуқини берувчи махсус рухсатномани ноқонуний берганлиги оқибатида фирма раҳбарлари 164,2 млн. сўмлик товар айланмасини амалга ошириб, 4,9 млн. сўм солиқларни қасддан тўламаганлиги, 73,5 млн. сўмни нақдлаштирганлиги аниқланди.

Айрим солиқ ходимларининг тадбиркорлар билан жиноий тил бириктириб, солиқ тўловларини талон-тарож қилиб, бюджетга жуда кўп миқдорда зарар етказганликлари фош этилди.

Чунончи, Андижон шаҳар ДСИ бош инспектори Р.Эргашева «Шарқ мезон саноат» МЧЖ раҳбарлари билан тил бириктириб, солиқлар тўлаганлиги тўғрисида сохта ҳужжатлар тузганлиги оқибатда 12,5 млн. сўм солиқ тўловлари тўланмаган.

***— Четдан товарларнинг ноқонуний импорт қилинишига, этил спирти, алкоголли маҳсулотларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашиш масалалари долзарб йўналишлардан биридир...***

— Дарҳақиқат, бу борада 1329 та қонунбузилишлари аниқланиб, 5,1 млрд. сўмлик товарлар олиб қўйилди. Чунончи, фуқаро Р.Салимов «КамАЗ» русумли автомашинада божхона назоратини четлаб, айланма йўллар орқали 300 млн. сўмлик ҳужжатсиз товарларни олиб кирганлиги аниқланиб, автомашина ва товарлар олиб қўйилди.

Шунингдек, А.Сариходжаев, О.Таскараев ва бошқа фуқаролар эса 3 та «КамАЗ» русумли автомашиналарда четдан божхона назоратини айланиб ўтиб, ҳужжатсиз 66 млн. сўмлик тунука ва трубаларни олиб ўтаётганда ушланиб, товарлар ва 3 та «КамАЗ» автомашиналари далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Этил спирти, алкоголли ва тамаки маҳсулотларини ноқонуний муомалага киритиш билан боғлиқ 807 та жиноят ишлари қўзғатилиб, жами 355,6 млн. сўмлик ушбу турдаги маҳсулотлар олиб қўйилди. Мисол учун, Фарғона вилоятидаги «Pantera Lyuks Qodon» ХК раҳбари Т.Маҳмудов кирим ҳужжатларисиз 8,5 млн. сўмлик алкогол маҳсулоти билан ноқонуний савдо қилаётганлиги аниқланди.

Бу йўналишда хуфёна иқтисодиётга барҳам бериш бўйича ўтказилган тадбирларда «иккиламчи» маҳсулотларни саноат қўламида ишлаб чиқариб, ноқонуний муомалага киритиш билан шуғулланувчи жиноий гуруҳлар фош этилмоқда. Жумладан, Хоразм вилоятидаги «Урганч шароб» корхонаси раҳбари С.Муротов, қуйиш цехи бошлиғи О.Шералиев, тайёр маҳсулотлар омбори мудири О.Бекчанов, қўриқлаш бўлими милиционерлари Э.Матқурбонов, М.Сапаев ва бошқалар жиноий гуруҳ бўлиб, шиша идишларга меъёрдан 35-40 грамм кам арoқ қуйиш йўли билан 8,2 минг литр арoқни «иқтисод» қилиб, ундан акциз маркасисиз 21 млн. сўмлик «иккиламчи» арoқ ишлаб чиқариб, ноқонуний муомалага киритиш билан шуғулланганликлари аниқланди.

***— Газ ва электр энергиясидан ноқонуний фойдаланаётган фуқароларни ҳар бир маҳалладан топса бўлади. Бу муаммонинг илдизи қаерда деб ўйлайсиз?***

— Кўпгина юртдошларимиз хонадонида фойдаланаётган газ ва электр энергияси учун минглаб одамлар кунни тунга улаб меҳнат қилаётганини унутиб қўйишмоқда. Ўзгалар меҳнатини ҳам қадрлашни билишимиз керак. Бу борада қонунбузарликларга барҳам бериш юзасидан ўтказилган тадбирларда 112 та ҳуқуқбузарликлар фош этилди.

Тадбирларда газ ва электр энергиясидан фойдаланишни назорат қилишга бевосита масъул шахсларнинг ўзлари ҳам жиноий ҳаракатлар содир этилганлиги фош этилди.

Жумладан, «Олмалиқшаҳаргаз» филиали устаси Т.Қурбонов газ тармоғига ўзбошимчалик билан уланиб олган Н.Аллақуллиевдан 150 минг сўм ноқонуний ҳақ олаёттанида ушланди.

***— Ҳукуматимиз томонидан бирин-кетин тадбиркорлик фаолиятини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш, қўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Уларнинг ҳаётга самарали татбиқ этилишини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган тарғибот тадбирлари тўғрисида ҳам тўхталсангиз?***

— Департамент органлари томонидан ҳам бу борада муайян ишлар олиб борилаётганлигини эътироф этиш даркор. Кейинги йилларда асосий эътибор текширишлар сонини камайтириш, уларни бевосита ғайриқонуний фаолият кўрсатаётган субъектларга йўналтириш, ҳақиқий тадбиркорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилди. Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш, уларнинг мазмун-моҳияти ва талабларини тадбиркорларга етказиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилди. Хўжалик юритувчи субъектларда солиқ тўлашдан бўйин товлашлик, иқтисодиёт, солиқ ва валюта соҳаларида содир этилган жиноятлар учун жазо муқаррарлиги тушунчасини шакллантириш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясига қаратилган қонунлар бўйича 24 минг 587 та ҳуқуқ-тарғибот ва тушунтириш тадбирлари ўтказилди. Телевидение имкониятларидан самарали фойдаланилиб, 2743 та чиқишлар қилинди.

Таъкидлаш жоизки, барча тезкор-қидирув ва таҳлилий тадбирларда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олишга қаратилган қонунчилик талабларига қатъий риоя этилиши таъминланди. Шунинг учун ҳам тадбиркорликнинг янада ривожланишига, соғлом рақобат муҳитига ўзининг салбий таъсирини кўрсатаётган 3155 та рўйхатдан ўтмаган сохта тадбиркорлар фаолияти фош этилиб, мамлакатимизда тадбиркорлар манфаатини кўзлаб олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнларига уларнинг онгли муносабатини шакллантиришга ҳаракат қилинди. Демак, тадбиркорларга бўлган ишонч ортиб бормоқда ва шундай бўлиши ҳам керак. Кимгадир бу баландпарвоз туюлар, лекин аксарият тадбиркорларимизнинг ўзлари ҳам давлатимизнинг иқтисодий ривожланиши учун ҳаракат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, эл-юрт фаровонлиги, халқимизнинг турмуш шароитини яхшилаб боришдек эзгу ниятларимизни амалга ошириш сизу бизга боғлиқ.

**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ**
**суҳбатлашди**

# САҲНА ОРТИДА

*Исроил ИБРОҲИМОВ*



«Ёлғон, бари ёлғон, кўролмаганлар тарқатган миш-миш!» Сарвиноз ўзини юпатишга нечоғлик уринмасин, кўксидан аччиқ фарёд отилиб чиқди. Ўксиб-ўксиб йиғлади.

— Муҳайёни ўзим опкелдим боғчадан, — иккинчи синфда ўқиётган Маҳмуджон юзлари қизариб, қовоқлари шишган аясига суюнчилади.

— Балли болажоним...

Ваннахонада бетини ювди. «Кўролмаганлар ғийбат қилаверсин, болаларимни етим қип қўймайман». Кўзгуга қараб «мени ҳеч кимга алишмайди» дея ўзини ўзи ишонтирди. У шу алфозда, пардоз-андозсиз ҳам бениҳоя гўзал эди. Оқ-қизғиш атиргулдай нафис чеҳраси, тим қора кўзларидан таралувчи ибо ва назокат бехос кўзи тушган одамни ҳам сеҳрлаб қўярди. Агар саҳнани тарк этмаганида... балки, бадиий фильмларда ролларга таклиф қилишиб, киноюлдузлар каби чарақлармиди? Театр саҳнасида, экранда орттиражак шон-шуҳратини Бекмурод акасининг муҳаббатига қурбон қилди. Унинг бир оғиз сўзи билан театрдан кетди. Санъат коллежида болаларга сабоқ бера бошлади. У санъатнинг нозик қирраларини яхши билар, ошиқу беқарор йигит ролини ўйнаётган суюкли ёрини саҳнадаги ўзга машуқа оғушида кўрганида ҳам қизғанишни хаёлига келтирмасди. Ахир, бу унинг касби, иши. Спектаклдан таъсирланган айрим дугоналари кўзингни оч, Бекмурод аканг ростдан Шоҳистага ошиқ бўлиб, ордона қолмагин дея ҳазиломуз гап отганларида, мендан яхшироғини топиб бўпти, деб куларди. Бироқ, у қулоғидан кириб, бунисидан чиқиб кетгандай туюлган илмоқли гаплар ўзи истамаган ҳолда кўнглининг тубига чўкиб бораётганини, вақти келганда қуйқа каби қалқиб чиқиб, покиза ишқ булоғини лойқалатишини тасаввур ҳам қилолмасди. Беғубор муҳаббатларига ҳеч ким раҳна сола олмаслигига ишончи комил эди.

Ахир Шоҳиста сирдош дугонаси-ку! Ёш, иқтидорли актёр бўлганлари туфайли аксарият пъесалардаги севишганларнинг ролларини Бекмурод акаси билан унга топширишади. Ролларни табиий ижро этиб, томошабинларни гоҳ кулдириб, гоҳ йиғлатишади. Қолаверса, у Шоҳистага ўзига ишонгандай ишонар, илк бора унга кўнгил дафтарини очган эди. Факультетлари, гуруҳларида Сарвинозга пинҳона ошиқу беқарорлар бир талай, бироқ илоҳий санам каби гўзал қизнинг парвойи палак, биронтасига қиё боқиб қўймасди. Айниқса, Шавкатжон кўнглини оламан, деб юз хил қиёфага кирарди. Икки курс юқори гуруҳда таҳсил олаётган Бекмурод билан тасодифан, битирувчи талабалар саҳналаштирган машҳур «Отелло» спектаклида ёнма-ён ўтириб қолишди. У худди азалий танишидай, ким қайси ролни қиёмига етказяпти-ю, кимнинг сўз оҳанглари сохта чиқиб қолаётганигача оҳиста шарҳлайверди.

Сарвиноз эътироз билдирганида, беихтиёр овозини баландлатди.

— Сендақа танқидчидан ўргилдим, — ортида ўтирган курсдоши Абдуҳафиз елкасини туртди. — Ҳаммани ўзингга қаратмай, тек ўтир!

Ўқрайган нигоҳларга кўзи тушган Сарвиноз пиқирлаб кулди. Бекмурод терга ботди.

— Ҳали бемалол гаплашамиз...

Кўчада ёнма-ён бораётиб, тинмай ўз фикрларини маъқуллайверди.

— Режиссёрликка ўқисангиз бўларкан асли, — қиз унинг мантиқли мулоҳазаларига тан берди.

— Элакдан ўтказсангиз, аксар буюк режиссёрлар актёрлар орасидан етишиб чиққан...

— Автобусим келди, бўпти, — Сарвиноз қўл бериб хайрлашди.

Келаси куни эрталаб метрога тушиб бораётиб, тасодифан кўришиб қолишди.

— Битта жойда турарканмиз-у, — кулимсиради Бекмурод. — Қонуният тасодифлар занжиридан туғилади. Лекин, ҳозирги учрашганимиз тасодиф эмас. Тушимда нуқул Сарвиноз деб алаҳсираб, ҳамхонам Абдуҳафизни ухлатмабман. Сиз пешонамга битган юлдуз! Шоир айтмоқчи, менинг қўлларим етмаган юлдуз, тушларимда сени кўргайман!

— Ёдлаб олган ролингизни репетиция қиляпсизми? — Сарвиноз ширингина жилмайди.

— Нечта қизлар чиппа-чин ишонганикин ошиқ монологингизга?

— Сизни ҳам ишонтира олдимми?

— Анча дуруст, табиий. Истеъдодингизга тан бериш керак.

— Демак, сиз ҳам менга бефарқ эмассиз..?

У кўнглидагини топган, метронинг вагонида, турфа одамлар қуршовида дил изҳорини баён этаётган самимий ва дилкаш йигит сиймоси хаёлини ўғирлаб улгурганди.

— Анави билан ҳар куни бирга келяпсан...

— Қўшнимиз, маҳалламизда ижарага уй олиб туради.

— Дарсдан кейин ҳам йўлимиздан чиқяпти-ю!

— Бинойидай йигит...

— Кўнгилларини ром этибди-да, тўғрисини айтавер? — Шоҳиста дугонасининг кўзларига тикилди. Жавобини кутмай, китобининг орасидан сурат олиб берди.

— Камолжон. Армияда ҳозир. Ўнинчи синфда ўқиётганимизда мактуб ёзган.

— Ҳалиги хатлар ўшаникими?

— Яқинда ҳарбий хизматни битириб қайтади...

Шоҳиста Камолжонга турмушга чиқди. Бироқ бахтиёр дамлари узоққа чўзилмади. Камолжон севган ёрини ҳамкасбларидан ҳам рашк қиларди. Унга шарт қўйди: ё театрни, ё мени дейсиз! Шоҳиста ишидан воз кечишни истамади. Беҳуда рашкларини унутиб, яна ялиниб қайтишини кутди. Ўйлаганидай, Камолжон бир-икки марта онасини юборди. Ўзи остонасига бош уриб келди. Жон-дили билан суюкли ёрига талпинаётган сарвиқоматнинг тили ўзи истамаган ҳолда терс жавоб бериб, икковларининг ҳам кўнгилларини вайрон қилди...

«Шоҳистанинг боши очиқ. Наҳот, Бекмурод акам у билан...» Илк бора миш-мишлар қулоғига чалиниб, юраги беҳаловат бўла бошлагач, Сарвиноз телефонда дугонасини йўқлади.

— Қачон бўшайсан? Паркдаги қаҳвахонада кўришайлик... Бўпти, хўп.

Гапнинг учини чиқарганидаёқ, Шоҳиста бобиллаб берди.

— Ким айтди? Ҳозир юзлаштирасан, ўша иғвогар билан. Туҳмат гаплари учун судга бераман!

Сарвиноз қайта-қайта узр сўраб, уни аранг юпатди. Бироқ ораларига совуқчилик тушди.

— Бош ролдан воз кечдим, — Шоҳиста коллежга, ишхонасига телефон қилди. — Бекмуродинг бошқаси билан ўйнайди. Кўнглинг жойига тушдими энди?! Ё ишдан ҳам кетайми?..

Сарвиноз беҳуда рашк қилиб, энг яқин дугонасиниг дилига озор етказгани учун ўзини қўярга жой тополмай қолди. Уйига бориб, яна кечирим сўрашни кўнглига тугиб қўйди.

Дам олиш куни микрорайондаги тўққиз қаватли бино қаршисида маршрутли таксидан тушди. Ўнгдаги биринчи подъезддан чиққан Бекмурод акасини кўрди-ю, беихтиёр ўзини чинор панасига олди.

«Ўртоғимнинг туғилган кунига, ошга бораман деган одам...» Қайта алангаланган рашк, изтироб юрагини тилка-пора қилиб, нега келганини ҳам унутди. Ҳозироқ изоҳ талаб қилишга шайланди-ю, фикридан айниди. «Кўчада шарманда бўлиб...» Ақлдан озган одамдай, шаҳарда тентираб юрди. Ғийқиллаб тўхтаган «Нексия» ҳайдовчиси бўралаб сўкди. «Кўзингга қарасанг ўласанми!?» Ҳушини йиғиб, уйига шошди. Ёғоч каравотларига чўзилди.

— Ҳа, нима бўлди, куппа-кундузи? — Бекмуроддан оддий эмас, французча, одатда аёллар сепиб юрадиган атирнинг иси уфураётганди.

— Кўрдим, кимнинг ошига борганиззи! Эскича никоҳлаб ҳам олгандирсиз?!

Бекмурод кулиб юборди. Ёнига ўтириб юз-кўзларидан ўпди.

— Иккинчи эмас, биринчи қаватдаги уйда эдим. Холдорали аканинг туғилган кунида. Мана, ишонмасангиз телефон қилинг!..

Холдорали ака Бекмуроднинг қалин оғайниси, заводда цех бошлиғи эди.

— Ўзиз териб беринг номерини.

— Мана, марҳамат!

— Ассалому алайкум. Бекмурод акамни чақириб берсангиз. Меҳмонлар кеп қолишди...

— Яхшимисиз, келин. Бир соатча бўлди, хайрлашиб кетганига. Ҳозир бориб қолса керак...

Сарвинознинг кўнгли таскин топди-ю, сездирмади, жўрттага аразлаб ётаверди.

— Аёллар атирини қатта юқтирдиз бўмаса?

— Ҳозир, — Бекмурод ваннахонадан французча атир шишачасини олиб чиқди. — Ўзизники шекилли? — мириқиб кулди. — Эрталаб соқолимни қириб сепганман, — дея уни қучиб эркалади. — Рашк чин муҳаббат кўзгуси. Аммо бу кўзгу хира тортмасин. Хира тортганида дунё остин-устун бўлиши муқаррар!

— Қайси пъесадан буниси?— Сарвинознинг чиройи очилиб жилмайди.

— Ҳаётнинг ўзи саҳна деб, топиб айтганакан файласуф! —Бекмурод унинг қайноқ лабларига лабларини босди.

Бекмурод акаси айланиб ўргилса-да, Сарвинознинг дили ёришмаётган, кўнгил ғуборларидан бутунлай ҳоли бўла олмаётганди. Гастролга отланган труппа ортидан Самарқандга етиб борди. Кечаси меҳмонхона вестибюлида Бекмуродни кутаётган эди. Ёпёруғ меҳмонхона қаршисида таксидан бир ўзи эмас, у билан тушганини кўрди-ю...

— Худди Сарвиноз шу ерда ҳам таъқиб қилаётгандай, —ойнаванд эшикдан ичкарига қадам қўйган Шоҳиста шарақлаб кулди.

— Ана ўзлари, оғзиздан чиқмай, бўғзизга ёпишди, —Бекмуроднинг хушҳол чеҳраси тундлашди.

— Сиз... сен...— Сарвиноз эрининг юзига шапалоқ тортди. Шоҳистанинг сочларига чанг солишдан ўзини аранг тўхтатди. Қоронғу кўчага чопиб чиқиб, таксига қўл кўтарди.

* * *

Иккинчи қаватдаги уч хонали уйнинг меҳмонхонасида кўксига пичоқ санчилган, оқ-сариқдан келган ўттиз ёшлардаги қип-яланғоч йигит чалқанча ётарди. Ёнидаги каттакон сочиққа қон сачраган, афтидан ваннахонада ювиниб чиқиб, артинишга улгурмаганди. Нариги хонада, бош тарафига ярим ой шаклида кўзгу ўрнатилган кенг ёғоч каравотдаги аёл жасади совуб улгурмаганди. Кулранг ичкўйлакда, чап кўкси қон, унинг ҳам нақ юрагига, чамаси, уйқусида пичоқ уришганди. «Йигит кийинмай, яланғочлигича эшикни очмасди», ўзича қайд этди Собиржон. «Эшикнинг қулфи бузилмаган, деразалар, балкон эшиги берк, демак қотилнинг ўз калити бўлган». Қўшниларнинг сўзларига қараганда, хонадон бекаси Шоҳиста Мирзокирова эридан ажраган, фарзанди йўқ, ёлғиз турган. Холислар — қўшнилар марҳум йигитни танишмади. Терговчи хонадонни бир сидра кўздан кечиргандаёқ, босқинчилик тажовузини соқит этди. Қимматбаҳо нарсалар, «стенка»нинг махфий ғаладончасидаги тилла тақинчоқ ва даста-даста пулларга тегилмаган эди.

— ...Қарасам, эшиги қия очиқ, — сўзида давом этди милиция ва «Тез ёрдам»ни чақирган қирқ ёшлардаги қўшни аёл. — Шоҳистахон десам, овоз бермади. Ичкарига кирсам... — у яна пиқ-пиқ йиғлаб, рўмолчасини кўзларига босди. — Бирам яхшийди, бечора...

Подъезднинг олди қоронғу, зиналарида ҳам чироқ йўқ, қўшнилар кечаси нотаниш биронта одамни кўришмапти. Биринчи қаватда, қотиллик рўй берган уй остидаги хонадонда турувчи Холдорали Мирзаев ва унинг хотини Розияхон бирон бир шовқин-суронни эшитишмапти.

— Камолжон бир-икки келган, — терговчининг саволига жавоб берди Розияхон. — Ажралсаям, кўнгил узолмаган шекилли. Шоҳистахон эрим ярашмоқчи, деб айтганди... Гоҳида, артистлар кеп туришарди. Аёл-эркак. Биттаси хўжайинимнинг ўртоғи. Бекмуроджон... Йўқ-йўқ, енгилоёқлигини сезмаганмиз...

«Мабодо, ҳамон кўнгил узолмаган собиқ эрида эшигининг калити қолиб кетган бўлса, кечқурун уйига кирганида яланғоч бегона эркакни кўриб, ғазабга тўлиб-тошгану, иккаласини ҳам пичоқлаган...» Собиржон Аслонов прокурорга ўзининг илк тахминини баён этди.

— Пичоқланган йигит ким, аниқладизми?

— Кийимларида ҳеч қанақа ҳужжатлари йўқ. Тезкор ходимлар суриштиришяпти.

— Балки, собиқ эри эмас, хушторининг хотини рашк қилиб, иккаласини ўлдирган ёки қотил ёллагандир? Марҳуманинг ишхонасидаги биронта ғаними қасдлашган бўлиши ҳам мумкин. Истеъдодни кўролмайдиганлар ҳар қадамда учрайди. Умуман, марҳуманинг таниш-билишлари, олди-бердилари, дўстлари-ю, ғанимларини чиғириқдан ўтказиш керак...

Марҳум йигитнинг шахсини аниқлаш қийин кечди. Орадан уч кун ўтиб, бедарак йўқолган, қариндошлари қидирувга берганлар орасидан чиқди. Шаҳар ИИБга эрталаб Сойбўйи кўчасида яшовчи аёл умр йўлдоши икки кундан бери уйга келмаётгани, барча қариндошлари, танишларидан суриштириб, топа олмагани ҳақида ариза берган, суратини қолдирганди. Бу ўша, актрисанинг уйида кўксига пичоқ санчилган йигитнинг айнан ўзи эди.

Ботирали Бўтаев ўттиз ёшга кирган, бўёқ ишлаб чиқарувчи кичик корхонанинг эгаси, Сойбўйи кўчасидаги ҳовлисига данғиллама уй қурдирганди. Хотини Муслимахон ишламас, тўрт яшар қизи ва бир яшар ўғилчасига қараб ўтирарди.

— Ҳаром-хариш юриши бошига етди, — одатда куни-кеча қабрга қўйилган марҳумнинг беваси юм-юм йиғлайди. У терговчининг ҳайратомуз нигоҳини сезди.

— Йиғлаб-сиқтаб шатгача келдим, — товуши титради. —Неча марталаб дадамникига бошимни олиб кетдим. Тағин болаларни кўзим қиймай, қуйилиб қолар деб чидадим. Йўқ, пул кутуртирди...

— Шоҳиста билан юрганини билармидиз?

— Кун ора бошқасини топади. Қайси бирини пойлайман? Битта эри йўқни кўчасига суриштириб борганимни билиб қолиб, уриб ҳаммаёғимни кўкартирворган. Юрагимни тушириб қўйган, оғиз очишга қўрққанман...

**(Давоми келгуси сонда).**

## *Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!*

Республика Бош прокуратураси жамоаси ва фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси **Тамара Александровна КОРМАЧЕВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига ҳамдардлик изҳор қилади.

# ҚУТУРГАН ЧЎТАЛЧИЛАР



Текинтомоқликни касб қилиб олган Зафар Акбаров, Одил Ҳайдаров, Сайдулло Бахтибоевлар пул топишнинг осон, лекин ғирром йўлини топишган эди. Улар Фарғона-Саткак йўналиши бўйича қатновчи 50 дан зиёд киракаш машиналар ҳайдовчиларидан ноқонуний равишда гўёки тартиб ва озодаликни сақлаш учун деб 200 сўмдан пул олиб келишарди. Бундай чўтал пулни йиғиш асосан О.Ҳайдаров зиммасида бўлган. Шу 200 сўмни бермаган ёки талашган киракашнинг дарров «эсини» киритиб қўйишарди. Ишдан сўнг кечки пайт эса чўтал пулига ичкиликбозлик, маишат қилиб яйрашарди.

2007 йил 9 февраль куни ҳам шундай бўлди. Улар кеч соат 18 ларда Чекшўра қишлоғидаги фуқаро А.Холматовнинг яширин очган дўконида тўпланишди. Бу сафар уларга ҳамтовоқлари, киракаш Воҳид Ортиқов ҳам қўшилганди. Ароқхўрликни бошлаб юборишди. Борган сари уларнинг кайфлари ошиб борди. Бири алжираса, иккинчиси ўзининг гапини маъқулларди... Гаплари чуваланиб бориб, Воҳиднинг олдинги ижарага олиб минган «Дамас» машинасига уланди.

— Машина янги эди. Шукур қайтариб бермади, — деди Воҳид гинахонлик билан.

— Сенга бермаяптими, кўрсатиб қўямиз унга! — зўрайди Зафар. — Ким бўпти Шукур?! Ҳозироқ бу «проблема»ни ҳал қиламиз.

— Қанақа қилиб? — сўради ундан пиёлаларга ароқ қуяётган Одил.

— Воҳид ҳозир бориб уни уйидан олиб келади, кейин кўрасан, — деди Зафар.

— Жағини ёриш биздан, — деди Сайдулло муштини кўрсатиб. — Ур, десаларинг бўлди.

— Уни нима деб олиб келаман? — сўради Воҳид Зафардан.

— Чойхонада ош тайёр. Зафар, Одил, Сайдулло акамлар сизни олиб кел дейишди, дейсан. Обкесанг бўлди, машинани сенга текинга олиб берамиз.

Зафарнинг кейинги гапи Воҳидга ёқиб тушди. У чиқиб кетган заҳоти дўконга шу қишлоқлик Авазбек Раҳмонов кириб қолди. «Жуда яхши ўтиришган» улфатларга одоб юзасидан салом берган эди, кайфдан кўзлари ола-кула бўлиб турган Сайдулло:

— Буёққа ке, ароқ ичамиз, — деб қўлини узатиб чақирди.

— Узр, ишим заруррок эди, — дўконга кирганидан пушаймон бўлган Авазбек ортига қайтмоқчи бўлди.

— Тўхта! — Сайдулло ўрнидан туриб келди. — Пулинг кўпайиб бизни менсимаяпсанми? Сендақани...

Авазбек Сайдуллодан бекордан-бекорга мушт, тепки еди. Зафар, Одил ҳам келиб дўқ-пўписа билан унинг ёқасига ёпишишди. Авазбек уларнинг чангалидан бир амаллаб қутулди-да, ташқарига қочиб чиқди.

— Сен билан эртага гаплашамиз, — деб қолди Зафар унинг ортидан. Бу пайтда Воҳид билан Шукур «Дамас»дан тушаётган эди.

Меҳмон учун янги ароқ очилди.

— Сенга битта гап бор, — деди Зафар кўрсаткич бармоғини Шукуржоннинг кўксига нуқиб. — Эртагаёқ «Дамас»ингни Воҳидга берасан. Ижарага пул сўрамайсан, бизга беради, — у шундай деганча бир муддат жим қолди, кейин яна қўшиб қўйди:

— Агар яшамоқчи бўлсанг, шундай қиласан!

— Тошларингни тер! — Шукур бу кимсаларнинг қандай одамлар эканлигини яхши билса-да, ҳайиқмай жавоб берди. — Мен сенлар ўйлаган аҳмоқ эмасман!

Вазият таранглашди. Шукур ташқарига чиқди. Одил орқасидан чиқиб ҳақоратлай бошлади. Даҳанаки жанжал пайтида Сайдулло Шукурнинг орқасидан келиб ура кетди. Зафар, Одил, Воҳидлар ҳам унга ташланишди...

Бир киши тўрт нафар барваста сўлақмонларга, бунинг устига ичкиликдан қутурган зўравонларга бас кела олармиди?! Калтакланган Шукур мажолсиз аҳволга тушиб қолди. Уни судраб «Дамас» ичига тиқишди. Зўравонлар қандай бўлмасин уни тавбасига таянтириб, шахсий мулки бўлган «Дамас» машинасига эга чиқишмоқчи эди.

Чимён қишлоғидаги бир ўриказор боғ чеккасида тўхташди. Кимсасиз жой. Совуқ. Соат тунги 23 ни қаршилаб бормоқда.

— «Дамас»ни берасанми?

Шукурдан рад жавобини олган зўравонлар яна куч ишлатишди. Зафарнинг буйруғи билан машинадан ярим баклашка бензин олишди... Бир неча сония ичида Шукурнинг гавдаси олов ичида қолди. Зўравонликдан ёвузликка ўтган гуруҳ аъзолари устидаги олов билан олишиб, уни ўчиришга уринаётган Шукурни бамайлихотир, ҳатто калака қилган ҳолда томоша қилиб тураверишди...

Ичларидан кимдир қилаётган ишларининг оқибати оғир бўлишини англаб етдими, ҳарқалай Шукурни қутқариб қолишди. Унга ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат этса, ҳатто одамлар билиб қолса ҳам омон қўймасликларини уқтириб, уйига ташлаб кетишди.

Суриштирув-тергов жараёни қарийб тўрт ойча давом этди. Жиноий қилмишларини мастликка йўймоқчи, ўзларини пушаймон қилиб кўрсатмоқчи бўлган бу кимсалар қонун олдида ожиз қолишди. Жиноят ишлари бўйича Фарғона туман судида уларнинг иши кўриб чиқилиб, узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилдилар.

1978 йилда туғилган Зафар Акбаров муқаддам ҳам судланиб, авф этилган. Бундан тўғри сабоқ чиқармаган. Оиласи, икки нафар фарзанди тақдири олдидаги масъулиятни ҳам сезмаган. Насиб қилса, фарзандлари улғайиб бўлганида қамоқдан чиқиб келади. Ўшанда уларнинг юзига қандай қарайди, ўзини нима деб оқлайди?

Унга қўшилган О.Ҳайдаровнинг ҳам икки нафар боласи, рафиқаси бўзлаб қолди. Бу тирик жонларнинг уволи йўқми?

С.Бахтибоев ва В.Ортиқовлар ҳали оила қуришмаган. Бир неча йиллик умрини ўзлари беҳудага совуриб бўлишди. Тенгдошлари болачақали бўлган даврларда улар панжара ортидан кўп нарсани бой беришган ҳолда бир ўзлари сўппайиб чиқиб келишади. Ўшанда бугундагидан ҳам ортиқроқ пушаймон ейишлари аниқ...

**О.ХОЛМАТОВ,**
**Фарғона тумани прокурори ёрдамчиси.**
**Холиқназар ЖЎРАБОЕВ,**
**журналист**

# РАШК

**Нима учун инсон умри оқар сувга қиёсланади? Балки одам боласи ҳам ёшлигида дарё мисол жўшқин бўлгани-ю, дарё ўзанига яқинлашган сайин тошқинлигини пасайтирганидек, инсоннинг ҳам ёши ўтган сари характери, хатти-ҳаракатларидаги ана шу жўшқинлик сокинлик билан алмашгани боис бўлса керак! Ёши бир жойга борган киши ёшларнинг ҳаракатларидаги камчилик ва нуқсонларни англаб, тўғри йўлга солиш учун нафақат насиҳат қилади, балки ўзи ҳам ўрнак бўлади.**

Афсуски ҳаётда шундай кимсалар ҳам учраб турадики, улар ёшларни тўғри йўлга бошлаш ўрнига ўзлари жиноят кўчасига қадам қўядилар. Ана шундайлардан бири когонлик Акрам Назаровдир(исм-фамилиялар ўзгартирилган).

60 йил умргузаронлик қилиб, 12 фарзандни тарбиялаб, вояга етказган қаҳрамонимизни нима жин урди-ю, қўшнисининг жонига қасд қилди.

2007 йилнинг 29 май куни уйида ўтириб зериккан А.Назаров қўшниси бўлмиш Ачил Бобожоновникига йўл олди. Бобожоновнинг хотини бундан икки ойча илгари вафот этган бўлиб, у Назаровнинг хотинини дастурхонга қарашишга чақирган эди. Дарҳақиқат Акрам Назаров қўшнисиникига кириб келганида икки меҳмон бор экан. Уни ҳам дастурхонга таклиф қилишди. Хонадон соҳибаси хотирасини «ҳурматлаб», қиттай-қиттай қилиш яна давом этди. Ёши ўтиб қолгани боис бўлса керак, дарров маст бўлиб қолган А.Назаров хотинини қўшнисидан рашк қила бошлади. Жанжал бошланди. Олия эрини олиб кетишга ҳаракат қилар, аммо унинг хаёлини хотини билан қўшниси ҳақидаги фикрлар чулғаб олган эди.

— Ачил, нега хотинимга кўз олайтираяпсан?

У шу гапни айта-айта уйига равона бўлди. Орқасидан қўшниси кириб келди. Эндиги жанжал муштлашувга айланди. Шу пайт кутилмаган воқеа рўй берди. Тўсатдан уйига югуриб кириб, ошхона пичоғини кўтариб чиққан Акрам Назаров яна Ачил Бобожоновга ташланди-ю...

Кутилмаган зарбдан Ачил Бобожонов ҳушсиз йиқилди.

Шовқин сурондан огоҳ бўлиб, лол қолган қўни-қўшнилар-у меҳмонлар тез ёрдам билан милицияга хабар қилишди. Аммо шифокорларнинг барча уринишлари бефойда кетди.

Анча-мунча ҳаёт йўлини босиб ўтган Акрам Назаров шукрона қилиб яшаш ўрнига ўзига ўзи жабр қилди.

**Алиакбар ПЎЛАТОВ,**
**Когон шаҳар прокуратурасининг терговчиси**

# ГУМОН ИМОНДАН АЙИРДИ



Комил акасининг хотини Ойсара билан арзимас нарса устида келишмай қолди-ю, шу-шу уларнинг ораси бузилди. Бу орала иккала оилада ҳам фарзандлар туғилди. Улар ўсиб улғая бошлали, аммо янга ва қайни ўртасидаги адоват кун сайин кучая борарди. Айниқса, Комил янгаси Ойсарани кўришга кўзи йўқ эди. Сабаби, у янгаси ҳақида ёмон гап эшитган, шунинг учун ҳам Ойсарадан гумонсираб юрарди.

Комил дилидаги гумонларни акасига айтишга бир-икки марта чоғланиб кўрди, аммо айтолмади. Бир кўнгли дилингдагини шартта акангга айт, деса, яна бир кўнгли «Нега туҳмат қиласан, қачон хотинимни ушлаб олдинг?», деса нима дейман деб иккиланарди. Комилнинг кўнгли беҳаловат эди. Доим янгасига қарши тиш қайраб юрарди. Бунинг устига улар қўшни бўлиб яшашар, ҳар куни Ойсаранинг ясан-тусан қилиб ишга кетиши Комилнинг шубҳаларини кучайтириб юборарди. Айниқса, акаси йўқлигида акасининг уйидан чиқиб кетаётган бегона одамни кўргач, у бутунлай ўзини йўқотиб қўйди.

Кунлар шу зайлда ўтаверди. Комилнинг янгасидан гумони ошса-ошдики, асло камаймади. Шубҳа-гумонлар унинг қонини бадтар кўпиртирар, мудом янгасидан қасд олишга пайт пойларди.

Ойсаранинг эри касалхонага тушганидан сўнг, у кутилаётган вақт келганини сезди.

Ярим кеча. Қишлоқ сув қуйгандек жим-жит. Кун бўйи меҳнатдан чарчаган қишлоқ аҳли ширин уйқуда. Фақат Комилгина киприк қоққани йўқ. Ҳали у томонга, ҳали бу томонга ағдариларкан, миясида чарх ураётган қотилликка ўзича режа тузарди.

Комил бир қарорга келгач, секин ўрнидан туриб, ошхонага ўтди. Чироқни ёқмай пичоқ турадиган жойни пайпаслади. Қўлига илинган пичоқни қўнжига беркитиб, акасининг ҳовлисига одимлади. Аввал ҳовлига, ҳовлидан янгаси ётган хонага кирди. Бу пайтда хонада Ойсара қизлари билан ухлаб ётарди. Ой ёруғида Комил янгаси ва жиянлари ётган жойларни аниқлаб олгач, ёнидан пичоқни чиқарди. Янгасининг устига бостириб келиб, унга шафқатсизларча пичоқ ура бошлади. Ойсара бир-икки тўлғониб, жон таслим қилди. Бу орада шовур-шувурни эшитган Раъно уйғониб қолди. У ой ёруғида амакиси Комилни таниб, унга савол назари билан қаради. Ўн икки яшар қизалоқ нима воқеа рўй бераётганини англаб улгурмасдан, қотил амаки унинг ҳам кўксига пичоқ санчди.

Қўшни хонада ётган Аслиддин ғала-ғовурдан уйғониб кўзини очди. Бир-икки йилдан буён шу хонадоннинг мавсумий юмушларини бажариб юрган Аслиддин Ойсаранинг ўғли Вали билан бир хонада ётарди. У қўшни хонадан аллақандай овозлар эшитгандек бўлиб, бироз қулоқ солиб ётди. Шу пайт хона эшиги очилиб, бир қўл секин ичкарига кирди. Эшик пардасини суриб, чироқ ёқадиган жойни пайпаслай бошлади. Аслиддин қўрқиб кетганидан дами ичига тушиб кетди. Ўша куни ой жуда ёруғ бўлганлиги сабабли қоронғуда ҳам у Комилни таниди. Унинг қўллари қонга бўялган, қўлидаги қонли пичоқ ҳам қоронғуда ваҳимали бўлиб кўринарди. Чироқ ёқилгач, Аслиддин кўзларини қаттиқ юмиб олди, ўзини ухлаганга солиб ётаверди. Комил болаларнинг бошида бироз серрайиб тургач, ташқарига чиқиб кетди.

Суд Комилни 20 йилга озодликдан маҳрум қилди. У жазонинг 3 йилини турмада, қолган қисмини умумий тартибли колонияларда ўтайдиган бўлди.

(Мақолада келтирилган исм-шарифлар ўзгартирилган).

**И.ЙЎЛДОШЕВ,**
**Самарқанд вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси**

# 15 йилда илк бор



Чоршанба куни Корея Халқ Демократик Республикаси бош вазири Ким Ен Ир ҳукумат раҳбарлари доирасида ўтказилаётган кореялараро музокараларда қатнашиш учун 15 йил ичида илк бор Сеулга келди, деб хабар қилади «Associated Press» ахборот агентлиги. Икки Корея вазирлар маҳкамалари раҳбарлари октябрь бошида имзоланган тинчлик ҳақидаги декларацияни жорий этиш масалаларини муҳокама қиладилар.

Учрашувнинг биринчи қисми Сеулнинг «Шератон-Уолкер Хилл» меҳмонхонасида бўлиб ўтди. Унда бир нечта иқтисодий лойиҳалар, жумладан, Корея яримороли темир йўлларини Транссиб темир йўл магистрали билан бирлаштириш ва Жануб ҳамда Шимол ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича махсус соҳаларни яратиш масалалари атрофлича кўриб чиқилди. Ким Ен Ир ҳамда унинг Жанубий кореялик ҳамкасби Хан Док Сулар ўртасидаги музокаралар уч кун давом этади. Иқтисодий масалалардан ташқари икки давлат ўртасидаги ижтимоий алоқалар, хусусан, уруш вақтида ажралиб қолган оилалар бирлашиши масалалари ҳам муҳокама этилади. Хавфсизлик масалалари эса ноябрь ойи охирида Пхеньянда бўлиб ўтадиган мудофаа вазирлари учрашувида кўриб чиқилади.

Айни дамда Корея Халқ Демократик Республикаси ҳамда Жанубий Корея расман уруш ҳолатидадирлар. 1950 йилда бошланган уруш 1953 йили вақтинчалик тинчлик битими имзоланиши билан тугаган эди. Алоқалар тикланиши учун республикалар ўртасидаги тинчлик битимини АҚШ ва Хитой вакиллари томонидан ҳам имзоланиши лозим. Шуни таъкидлаш керакки, Пхеньян уруш тугаши вақтида БМТ томонидан белгиланган чегарани тан олмайди.



# Парламент рад этди

Сешанба куни Эстония парламенти Марказчилар партиясининг республикада соат кечки саккиздан эрталабки тўққизгача алкоголли маҳсулотларни сотишни маън этиш тўғрисидаги таклифини рад этди. «Postimees» нашрида ёзилишича, мазкур қонун лойиҳаси қабул қилиниши учун 38 нафар депутат розилик бериб, 43 таси қарши чиққан. Таъкидлаш жоизки, марказчилар аввалроқ ҳам айни шундай қонун лойиҳаси билан чиқишган бўлиб, унда маън этилиш вақти тунги соат 23.00 дан жорий этилиши лозимлиги қайд этилганди. Ўшанда ҳам парламентарийлар марказчилар таклифини рад этишган. Статистик маълумотларга қараганда, Эстония Европа Иттифоқи давлатлари ичида одам сонига кўра алкоголли маҳсулотлар энг кўп истеъмол қилинадиган давлатдир. Ҳозирда мамлакатда спиртли ва алкоголли маҳсулотларга қарши «уруш» эълон қилинган деса муболаға бўлмайди. Жорий йилнинг октябрь ойида Эстония шифокорлар уюшмаси маҳаллий сиёсатчиларни оммавий йиғинларда бошқаларга намуна бўлиш ва ичкиликка қарши курашда ёрдамлашиш мақсадида алкогол маҳсулотларни истеъмол қилишдан ўзларини тийишга чақирдилар.



# Полиция куни

Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳаммедов мамлакатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари кунини жорий этди. «Туркманистон РУ» ахборот агентлигининг хабарига кўра, Президент фармонида таъкидланишича, полициячиларга уларнинг ҳуқуқий давлат асосларини яратишда, халқ тинчлиги ва барқарорликни таъминлашда ҳамда жиноятчиликка қарши курашда қўшган беқиёс ҳиссалари учун мазкур кун совға сифатида тақдим этилган. Эндиликда полиция куни ҳар йили 29 майда нишонланади. Айтиш жоизки, Гурбангули Бердимуҳаммедовнинг президентлиги давомида икки маротаба ички ишлар вазири алмаштирилган. Уларнинг истеъфосини изоҳлаб ўтганда, Бердимуҳаммедов ички ишлар вазирлиги фаолиятини кескин танқид қилганди. Мисол учун, 2007 йилнинг октябрь ойида Хўжамурот Аннагурбановни ишдан олаётганда, Туркманистон раҳбари ИИВ масъуллари ўз раҳбарлари «шериклигида» кўпол қонунбузилишларга йўл қўйишган ва тергов натижаларини қалбакилаштиришганлигини таъкидлаб ўтганди. Аввалроқ эса, Аннагурбановдан олдинги вазир Акмаммед Раҳмонов истеъфога чиқаётганида, мамлакат раҳбари ички ишлар вазирлиги тизими коррупция, порахўрлик, товламачилик ва жиноят олами билан бирлашиб кетиш каби иллатларга тўлиб кетган, деб гапирганди.

# «Қулдор»ни ҳайдашди

Астана прокуратураси Қозоғистонда қурилиш тадбиркорлиги билан шуғулланиб келган Сербия фуқаросини мамлакатдан чиқариб юборди. Гап шундаки, Едеран Янко қурилиш ишларига ўзининг 12 нафар ватандошини чет эл ишчи кучини ишлатишга махсус рухсат олмасдан жалб қилган. Ўзининг ноқонуний фаолиятини давом эттириб, Янко уларга ойлик маош тўламай «қуллар» каби ишлатган. Ватандошларининг паспортларини олиб қўйиб, уларни яшаб турган квартираларидан ҳайдаган. Пулсиз, ҳужжатсиз қолган мигрантлар Астана шаҳар прокуратурасига мурожаат қилишди. Пойтахт прокуратураси Едеран Янкога нисбатан маъмурий жавобгарлик бўйича иш қўзғатиб, судга чиқарган.

Астана туманлараро маъмурий суди Янкони 27,4 минг тенге (230 АҚШ доллари) миқдорида жаримага тортиб, уни Қозоғистондан чиқиб кетиши лозимлиги тўғрисида қарор чиқарди. Янко томонидан ёлланган гастарбайтерларга ҳужжатлари қайтарилиб, уларнинг ўз ватанларига қайтишига имконият яратилди, деб хабар қилади «Gazeta.kz» ахборот агентлиги.



# Прокурор ўзгарди

Собиқ Югославия бўйича халқаро трибуналнинг янги бош прокурори этиб бельгиялик Серж Браммерц тайинланади. У мазкур лавозимга ваколат муддати 2007 йил 31 декабрда тугайдиган Карла дель Понтедан кейин ўтиради. Ушбу қарор сешанба куни БМТ бош котиби Пак Ги Мун томонидан қабул қилинган. Карла дель Понте эса 2008 йилнинг январидан Швейцариянинг Аргентинадаги элчиси сифатида фаолият кўрсатишни бошлайди. Шунингдек, БМТ бош котиби Ливан собиқ бош вазири Рафик Харирийнинг ўлдирилиши сабабларини текшираётган махсус комиссиянинг янги раҳбарини ҳам эълон қилди. Ҳозиргача бу лавозимда ишлаб келаётган Серж Браммерц ўрнини Канада Бош прокурорининг собиқ ўринбосари Даниель Бельмар эгаллайди, деб хабар қилади «AFP» ахборот агентлиги.



# Чизмалар топширилди

Эрон ҳукумати ядро каллакларини яратиш жараёнини изоҳлаб берадиган ҳужжатларни МАГАТЭ ходимларига топширди. Мазкур маълумот МАГАТЭнинг Эрон ядро дастури бўйича баёнотида акс эттирилган. «АР» ахборот агентлигининг хабар беришича, бойитилган уран ёрдамида ядро каллакларини яратиш жараёнини изоҳлайдиган чизмаларнинг тақдим этилиши, МАГАТЭ томонидан Эрон ҳукуматига қўйилган талаблардан бири эди. Мутахассисларнинг фикрича, эронликлар бу ҳужжатларни бир неча йил аввал «қора бозор»да сотиб олишган. 2005 йилнинг ўзида Эронга текширишга борган ташкилот ходимларида ушбу чизмалар билан танишиш имконияти бўлган, бироқ ўшандан буён расмий Теҳрон уларни изчил ўрганиш мақсадида ҳужжатлар нусхаларини МАГАТЭ га топширишни рад этган. Бундан ташқари Эрон раҳбарияти комиссиянинг бошқа талабларини ҳам қондирмаган. Жумладан, МАГАТЭ вакилларининг таъкидлашича, уларга мамлакат ядро дастури билан шуғулланаётган олимлар билан учрашиш имконияти берилмаган. Шунингдек, уранни бойитишда ишлатиладиган, янада такомиллаштирилган центрифуга ишлаб чиқарилаётган лабораторияга киришга рухсат берилмаган.

# Қотил ўзи келди

Арманистон овчилари ва балиқчилари уюшмаси раисининг қотили ушланди. 12 ноябрь куни Валерий Бабаян исмли шахс Ереван полицияси маҳкамасига келиб, қотилликка иқрор бўлган. Унинг нима иш билан шуғулланиши ва нима сабабдан жиноятга қўл ургани ҳақида маълумотлар берилмаган. Қотил ишлатган қурол ҳам топилмаган. Арманистон овчилари ва балиқчилари уюшмаси раиси, мамлакатда таниқли шахс Саят Давтян 8 октябрь куни Ереван марказида отиб ўлдирилганди. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, дастлабки суриштирувлар натижасига кўра, жиноятчилар уч киши бўлишган ва Давтянга бир неча бор ўқ узилган, деб хабар қилади «Арманистон-янгиликлари» ахборот агентлиги.



# Таржимонлар керак

Ливия ҳукумати хорижликлар учун мамлакатга кириш тартибини ўзгартирди. Эндиликда Ливияга кираётган ҳар бир чет эл фуқаросининг паспорти араб тилига таржима қилинган бўлиши лозим. «Associated Press» ахборот агентлигининг хабар беришича, мазкур ўзгаришлар, ҳеч бир огоҳлантиришларсиз 11 ноябрдан кучга кирган. Ҳаттоки, амалдаги визаларга эга хорижликлар ҳам бу ўзгаришларга амал қилишмаса, на мамлакатга кира оладилар ва на чиқа оладилар. Ушбу ўзгариш сабабли, бортида чет эл фуқаролари бўлган бир нечта самолёт ортга қайтишга мажбур бўлган. Бундан ташқари, Ливияда француз сайёҳларидан иборат иккита гуруҳ ушланган. 18 кишидан ташкил топган биринчи гуруҳ Триполи аэропортида тўхтатилиб, Франция элчиси аралашгачгина, ўз ватанига қайтишга муваффақ бўлган. Бир муддат аввал, Ливия ўзини сайёҳлик давлати сифатида эълон қилиш ниятида эканлигини билдирганди. Мамлакат раҳбари Муаммар Каллафийнинг иккинчи ўғли Саиф ал-Ислом қалимги греклар томонидан барпо этилган Кирени шаҳри вайроналарида янги туристик шаҳар қурилиши тўғрисида реклама ишларини ҳам олиб борганди.

# Қоидани бузманг

Польша ҳарбий прокуратураси Афғонистонда тинчликпарвар кучлар таркибида хизмат қилган етти нафар польшалик аскарни ҳибсга олди. Улар халқаро ҳуқуқни, хусусан, Женева ва Гаага Конвенцияларига доир уруш олиб бориш тартибини қўпол равишда бузганликда айбланмоқда. Гап шундаки, 16 август куни Афғонистоннинг шарқида «Толибон» жангарилари билан бўлиб ўтган тўқнашувда польшалик аскарларнинг ҳаракати натижасида тинч аҳоли қурбон бўлган. Ҳозирга қадар қурбон бўлганлар ва жабрланганлар сони аниқ айтилмаяпти. 16 август куни ўтказилган ҳарбий операция вақтида «Толибон» ҳаракатининг раҳбарларидан бири, қидирувда бўлган, жангарилар рўйхатида тўртинчи ўринда турган «Пума» лақабли шахс ушланган, деб хабар қилади «Wiadomosci» нашри.



# Ойлик маош ошмайди

«Delfi» ахборот агентлигининг хабар беришича, Латвия ҳукумати 2008 йилда ўз вазирларининг ойлик маошларини оширмасликка қарор қилди. Бундан бир неча ой муқаддам, Вазирлар Маҳкамаси раҳбари Айгар Калвитис давлат секторида ойлик маошлар миқдорини оширмасдан ушлаб туриш таклифи билан чиққан, сентябрь ойида эса мамлакат Президенти Валдис Затлерс мазкур ташаббусни қўллаб-қувватлашини билдирганди. Латвия раҳбарларининг фикрича, бу чоралар мамлакатда тез суратларда ошиб бораётган инфляция билан курашишга ёрдам бериши мумкин. Шундай бўлса-да, Латвия ҳукумати мазкур иқтисод режасини бошқа соҳаларга жорий эта олмади. Мамлакатдаги касаба уюшмалари ушбу қарорга норозилик билдиришди. Натижада, 2008 йил бюджети муҳокамасида полициячи, ўқитувчи ва шифокорларнинг ойлик маошлари оширилишига кафолат берилди. Маълумотларда айтилишича, ўтган йилга нисбатан Латвияда истеъмол нархлари 13,2 фоизга ўсиб, Республикада Болтиқ давлатлари орасида энг юқори инфляция кўрсаткичи қайд этилган.



# Вертолётлар зарбаси

**13 ноябрь куни Туркия ҳарбий ҳаво кучларига қарашли вертолётлар Ироқ шимолида жойлашган ташландиқ қишлоқларга қарата зарба бердилар, деб хабар қилади «АР» агентлиги. Ироқ ҳарбийларининг таъкидлашича, ракета зарбалари Заху шаҳарчаси атрофидаги аҳоли турар жойларига қаратилган. Ушбу ҳудудларда асосан курдлар истиқомат қилишади. Ҳозирча, тинч аҳоли ёки Курд ишчи партияси жангарилари ўртасида бўлган қурбонлар тўғрисида аниқ маълумотлар берилмаяпти. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Туркия ҳамда Ироқ чегара ҳудудида курд жангарилари ва турк ҳарбийлари ўртасида отишмалар тўхтамаяпти. Турк қўмондонлигининг айтишича, 13 ноябрь куни курд партизанлари қўлида тўрт нафар турк ҳарбийси ҳалок бўлган. Туркия вертолётлари томонидан амалга оширилган ҳаво зарбасини туркларнинг илк катта операцияси сифатида қайд этиш мумкин. Таъкидлаш жоизки, октябрда Туркия парламенти Ироқ шимолида жойлашиб олган курд жангариларини йўқ қилиш мақсадида кенг қамровли ҳарбий операцияни ўтказиш тўғрисида қонун қабул қилганди. Ҳозирча, расмий Анқара бостириб киришни кечиктириб турибди, лекин кун сайин мазкур чегара ҳудудига Туркиянинг янада йирикроқ ҳарбий кучлари тўпланиб бормоқда.**

**Интернет хабарлари асосида Дилмурод ЭШМУРОДОВ тайёрлади**



# «ОЛТИН УЧБУРЧАК» СОҲИБИНИНГ ИНҚИРОЗИ

Ўтган ойнинг охирларида жаҳон ОАВлари қандайдир Хун Са исмли наркобароннинг вафот этгани ҳақида хабар тарқатишди. Нуфузли ахборот агентликлари томонидан тарқатилган бу каби хабарлар унинг наркобизнес оламидаги оддий «барон»лардан эмаслигидан далолат бериб турибди.

Хўш, Хун Са ким эдики, унинг ўлими бутун дунё ОАВ эътиборини тортди?

Яқин-яқинларгача Мьянма (олдинги номи Бирма) давлати армиясининг вертолётлари мамлакатнинг Гомонг вилояти яқинига ҳам йўламас эди. Сабаби, «олтин учбурчак»ка тегишли бу ҳудудлар Осиёнинг энг йирик наркобарони Хун Сага тегишли бўлиб, унинг чегараларини «ер-ҳаво» русумидаги ракета қурилмалари муҳофаза қилар эди. Аммо 1996 йилнинг бошларидан бошлаб бу «дахлсиз» ҳудуд осмонида Мьянма армиясининг вертолётлари тез-тез пайдо бўла бошлади.

Бу парвозлар нафақат Хун Са салтанати, балки «олтин учбурчак» инқирозидан дарак беришини ҳали кўпчилик тушуниб етмаган эди. Гап шундаки, 30 йилдан кўпроқ вақт мобайнида Гомонг мухторияти учун кураш олиб борган Хун Са (асл исми Чан Чифу) ўша йили Мьянма ҳукуматига таслим бўлди. Унинг армияси аскарлари бўйсунмас Гомонг сарҳадларига тантана билан кириб келган ҳукумат қўшинларини қучоқ очиб кутиб олишди. Хун Са ва Мьянма генераллари воқеани виски тўла қадаҳлар билан нишонладилар.

Бундан икки йил аввал, Хун Са юрак ютиб унинг қароргоҳига қадам қўйган журналистларга ўзининг ўн минг аскардан ташкил топган армиясини фахр билан намойиш қилган эди. Бу тасвирлар сунъий йўлдош орқали бутун дунёга узатилганди. «Олтин учбурчак» соҳиби Хун Са билан учрашишга мушарраф бўлганлар уни ҳазилкаш ва меҳмондўст, қўли очиқ инсон сифатида таърифлашади. Бунга АҚШ «Фемидаси» унинг боши эвазига икки миллион доллар тиккани-ю, Шимолий Америка «қора бозори»даги героиннинг 60 фоизи айнан Хун Са идора қилган «олтин учбурчак» далаларида етиштирилишини ҳам илова қиладиган бўлсак, изоҳга ҳожат қолмайди.

Шу ўринда «олтин учбурчак» атамасига изоҳ бериб ўтсак. Сизга яхши маълумки, халқаро наркобизнес ҳақида гап кетганда «олтин учбурчак», «олтин яримой» атамаларига урғу берилади. «олтин учбурчак» дейилганда Ҳиндихитой, асосан Мьянма, Лаос ва Таиланд чегараларидаги улкан учбурчакни эслатувчи ҳудуд назарда тутилади. Бунда мазкур ҳудуддаги қимматбаҳо қазилма — олтин конлари эмас, ундан кам даромад келтирмайдиган кўкнори далалари назарда тутилади («олтин яримой» атамасига эса кейинги сонда тўхталамиз).

Хўш, «Олтин учбурчак»нинг «олтинга» айланишида марҳум Хун Са қандай рол ўйнаган эди?

Бу инсон 1934 йилда Мьянмада, хитой муҳожири оиласида туғилган. Унинг онаси маҳаллий аҳоли — шан элатига мансуб эди. Хун Санинг (у пайтларда уни Чан Чифу деб аташган) отаси вафот этгач, онаси шан элатига мансуб бўлган солиқ йиғувчи билан турмуш қуради. Унинг уч ўгай укаси насроний миссионерларнинг этагини тутиб қаёққадир даф бўлади. Хун Са Луа Мав қишлоғининг оқсоқоли бўлган бобоси қарамоғида қолади.

Ўтган асрнинг эллигинчи йилларида Хитойда коммунистлар ҳокимият тепасига келгач, Бирмага (ҳозирги Мьянма) Гоминданчилар суқилиб киришади. Мьянма, Лаос ва Таиланд чегаралари кесишган ҳудудда жойлашган Гомонг вилояти эса бутунлай назоратсиз қолади. Турли-туман жиноий гуруҳлар пайдо бўлиб, улар ўртасидаги ниҳоясиз урушлар маҳаллий аҳолининг тинкасини қуритади. Шу билан бир вақтда собиқ СССРнинг «социализмни экспорт қилиши» натижасида Бирма ҳукумати ҳам социалистик тузум йўлини танлаган эди. Иқтисодиётни шоличилик асосида ривожлантириш шиори остида ҳукумат мамлакатнинг шарқий ҳудудларида шоличиликни ривожлантира бошлайди. Бу сиёсат оқибатида Гомонг каби водийлардаги кичик-кичик ерларда шоли етиштириб келаётган деҳқонлар хонавайрон бўла бошлайди. Бу ҳам етмагандай, бу ҳудудга тез-тез Гоминдан аскарлари хуруж қилишар ва аҳолининг бор-будини йиғиштириб кетишар эди. Чорасиз қолган деҳқонлар сердаромад соҳа — кўкнори етиштириш йўлига ўтиб олишади. Шу тариқа Гомонг вилоятида «кўкнори маданияти» гуллай бошлайди.

Ана шундай бир шароитда Хун Са Гомонг мудофааси ниқоби остида ўзининг қуролланган гуруҳини тузади. Мьянма ҳукумати ҳам, Гомонг халқи ҳам Хун Санинг қуролли отрядига рағбат билдиради. Аммо ҳукумат унинг хизматлари эвазига бир чақа ҳам тўламагач, «мудофаачилар» бошқа йўлга ўтиб олишади: улар қорадорифурушларга ўз хизматларини таклиф қилишади. Ва шу тариқа Хун Са раҳбарлигидаги қуролли гуруҳ қорадори карвонларини қўриқлашни ўз зиммасига оладилар.

Қизиқ бир ҳолат, Бирмада барча наркокартелларни маҳаллий аҳоли ташкил этса-да, уларга ҳамиша этник хитойлар раҳнамолик қилиб келишган. «олтин учбурчак» кашшофлари ҳам хитойликлар — Гоминдан армияси офицерлари бўлишган. Аслида «олтин учбурчак»нинг пайдо бўлиши ҳам, Ҳиндихитойда «кўкнори маданияти»нинг гуллаб-яшнаши ҳам 19 асрда инглизларнинг Хитойга қарши олиб борган «афюн уруши» асоратидан бошқа нарса эмас эди.

«Олтин учбурчак»да наркобизнеснинг ўзига хос иқтисодий механизми шаклланган бўлиб, Бирмадаги жиноий гуруҳлар асосан кўкнори етиштиришни назорат қилар, Таиландда қорадори қайта ишланиб героинга айланар, наркотуризм ривож топаётган Лаос орқали эса дунё бўйлаб тарқалиб кетар эди. Маълумотларда айтилишича, 2001 йилда қорадори (опий) ишлаб чиқариш бўйича «олтин учбурчак» давлатлари тахминан шундай кетма-кетлик ҳосил қилган: Таиланд-1/7, Лаос-2/7, Бирма-4/7.

Вақт ўтиб, Мьянма армияси Гоминдан дала қўшинларига барҳам бергач, Хун Са каби қуролланган гуруҳ раҳнамолари керак бўлмай қолади. Бунга ақли етган Хун Са 1969 йилда «Шан вилояти армияси»га асос солади. Кейинчалик «Бирлашган Шан армияси» номини олган бу қўшин зўр бериб шан халқининг мухторияти учун курашга киришиб кетади. Аммо кўп ўтмай Хун Са Бирма армияси аскарлари томонидан қўлга олинади ва давлат хоини сифатида турмага ташланади. Орадан тўрт йил ўтиб Хун Са тарафдорлари социалистик Бирмага ёрдам учун борган икки совет врачини гаровга олишади ва улар эвазига Хун Сани озодликка чиқаришни талаб қилишади. Турган гапки, совет фуқароларини омон сақлаб қолиш учун Бирма ҳукумати ҳамма нарсага тайёр эди.

Озодликка чиққан Хун Сани Гомонг халқи қаҳрамон сифатида кутиб олади. Энди унинг учун наркобизнес оламининг деярли барча эшиклари очиқ эди-ю, лекин Бирма ҳудудида қолиши хатарли эди. Шу боисдан Хун Са қўшни Таиланд ҳудудидаги одам оёғи етиши қийин бўлган жойда макон қуради ва наркобизнесга боши билан шўнғиб кетади. Унинг бахтига, шу вақтга келиб унинг асосий рақобатчиси саналган йирик наркобарон Ло Хсин Хан ҳибсга олинади. Бундай имкониятни бой бермаган Хун Са қорадори савдосининг катта қисмини қўлга киритади. Қорадоридан героин тайёрловчи лабораторияларга асос солади.

Бу орада у ўзининг асосий рақиби, асли хитойлик бўлган қандайдир генерал Ли ва қорадори бозорини назорат қилиб келаётган ака-ука Вэйларни ҳам доғда қолдиришга улгуради. Шу тариқа Хун Са «Олтин учбурчак»нинг дарвозаси калитини қўлга киритади. Тиш-тирноғигача қуролланган мунтазам армия ташкил этади. У энди АҚШга тўғридан-тўғри қорадори етказиб беришга бел боғлайди. Маълумотларда айтилишича, ўша йилларда АҚШ ва унга қўшни мамлакатларга кириб борувчи қорадорининг 60 фоизидан кўпроғи Хун Са наркокартелига тегишли эди.

Барча наркобаронлар каби Хун Са ҳам сиёсатдан холи бўлолмас эди. Вазиятни баҳолай олган наркобарон Бирма ҳукумати билан ҳамкорлик йўлини танлайди. Қорадори контрабандасида эркин қолиш эвазига зиммасига ҳукуматга оппозицияда бўлган кучларга қарши курашда ёрдам бериш мажбуриятини олади.

Бирма ҳукумати ўша пайтда бундай келишув бўлганлигини инкор этган эди. Шунга қарамай, Хун Са раҳнамолигидаги «Шан армияси» бир неча бор ҳукумат қўшинларига ёрдамга келган ҳолатлар ҳам бўлган.

1989 йилда Нью-Йорк суди Хун Сага нисбатан айблов эълон қилади ва уни ҳибсга олишга оид халқаро мандат имзоланади.

Хун Са «соя»га ўтишга мажбур бўлади. Бундан фойдаланган рақобатчи наркобаронлар «олтин учбурчак» назоратини ўз қўлларига ола бошлайдилар. Ҳаммасини бошидан бошлаш фойдасиз эканлигини тушунган Хун Са кутилмаган йўлни танлайди: Гомонг вилояти мустақиллигини эълон қилиб, Таиландга қўшилиш таклифи билан чиқади. Аммо бу «ўйини» кутилган натижани бермайди.

Таиланддаги агроислоҳотлар натижасида кўкнори далалари йўқ қилиниб, ўрнига бошқа экинлар экиш бошланади. Қорадори савдоси қаттиқ таъқибга учрайди ва энг хавфли машғулотлардан бирига айланади.

1994 йилда Таиланд полицияси Хун Сага тегишли наркотик савдоси тузилмаларига барҳам беради. 1995 йилда эса «Шан армияси» тарқаб кетади. Хун Са империяси инқирозга юз тутади. Бундан унумли фойдаланган рақобатчи гуруҳлар уни наркобизнесдан сиқиб чиқариш ҳаракатига тушиб қолишади. Қолаверса, 1989 йилда совет қўшинлари Афғонистондан чиқиб кетгач, наркобизнес ўчоғи «олтин учбурчак»дан «олтин яримой»га кўчган эди.

Чорасиз қолган Хун Са Бирма ҳукуматига таслим бўлишдан бошқа йўл топа олмайди. 1996 йилда Бирма армияси ҳеч қандай қаршиликсиз Хун Са салтанати бўлмиш Гомонгга кириб келади. Шунга қарамай, у ўзининг бир қисм қуролли қўшинини ушлаб туриш ва наркотик савдосини давом эттириш ваколатини сақлаб қолади. Бундан нафақат Бирма армиясининг генераллари, шу билан бирга наркобароннинг ўзи ҳам хурсанд эди. Генералларнинг хурсандлиги боиси шу эдики, замонавий қуролланган, яхши таҳсил кўрган Хун Са армияси билан кураш олиб боргандан кўра у билан ҳамкорлик қилиш ҳукуматга анча арзонга тушар эди.

Бундан норози бўлган АҚШ «Фемида»си Хун Са ҳақидаги аниқ маълумот учун 2 млн. доллар мукофот берилишини маълум қилади. Лекин бу мукофот ҳеч кимга насиб қилмади: ярим шол бўлиб қолган 74 ёшли Хун Са уч қаватли вилласида, ўз яқинлари қуршовида жон таслим қилди.

Минглаб инсонларнинг умрига зомин бўлган, «оқ ажал» уруғини пуллаб чарчамаган жиноятчининг жазосиз қолгани барибир тушунарсиз...

**Интернет хабарлари асосида**
**Шавкат ЁДГОРОВ тайёрлади**

**Huquq**
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-98-82, 133-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks:133-64-85, 133-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma Г — 1055. 17 320 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: M.DUSYAROVA
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 21.30 1 2 3 4 5 6 7 8